

ТОНГЮЛАДЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсминаларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 86-87 (6926-6927)
1998 йил 3 ноябрь, сешанба

Сотувда эркин
нархда

Диёrimизда табиатнинг буюк марҳамати бўлган, заҳматкаш ота-оналаримизнинг пешона тери билан сугорган пахта ҳосили пишиб етилди.


Ўйлаб кўринг, шундай долзарб пайтда биз, пахтакор фарзандлари қўл қовуштириб четда қараб турсак яхшими? Келинглар, мактабдан бўш пайтларимизда қўлимиздан келганича ота-оналаримизга сидқидилдан ёрдам берайлик.

Хирмонларга улаётган пахталар йўлларга тўкилиши,

айримлари чаноқларда қолиши мумкин. Шу пахталарни териб ол-

сак, кўчаларга қутичалар үрнатиб пахта штаблари ташкил қил-

Ёмғир, чангда... Чаноғида қолмасин



Даъват

сак ўз ота-оналаримизга катта ёрдам берган бўламиз. Томчидан дарё бўлади, деганларидек, она Ватанимизнинг равнақига, фаровонлигимиз, ҳурва хотиржам яшамизга ҳисса қўшган юрт фарзандига айланамиз.

Азиз тенгдошлар, йа-
ноғида қолмасин пахта!

Ёмғир, йанида қолма-
син пахта!

Салимжон
ТОЙНАЗРОВ,
Андижон вилояти,
Булоқбоши туманидаги
«Ёш табиатшунослар»
маркази аъзоси.



Республикамизнинг вилоят ва шаҳарла-
рида Президентимиз И. А. Каримовнинг
«Баркамолавлод — Ўзбекистон тараққиёти-
нинг пойдевори», «XXI аср бўсағасида» каби
китоблари ўқувчилар томонидан ҳам севиб
ўқиб, ўрганилмоқда.

Суратда пойтахтимиздаги 16-мактаб
муаллимаси Ҳалима Ашурева 9-синф ўқув-
чилари билан «Ислом Каримов — Биринчи
Президент» номли расмларга бой, альбом-
китобни синчиклаб таҳлил қилиб бермоқ-
да. Бунда унинг 22 йиллик иш тажрибаси,
кутубхонадаги бой материаллар қўл кел-
моқда.

Мураббийнинг бу ташаббуси бошка ўқи-
тувчиларга ҳам маъқул келиб, мактабда бу
асар барча синфларда ўрганилмоқда. Зе-
ро, ўқувчиларда фарҳ туйғуси шаклланса,
Ўзбекистон тарихи билан атрофлича таниш
бўлса ватанпарварлик туйғуси шаклланиб
боради-да!

Р. АЛЬБЕКОВ сурати.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАР БИР ЕРИ МЕН УЧУН ВАТАН

Мен асли қашқадарёликман. Ёшим 10 да. Косон туманидаги Пулати қишлоғининг 73-мактабида ўқир эдим. Буни қарантки, тақдир тақозоси билан Тошкентта келиб қолдим. Яширмайман, аввалига бирор чучидим. Киндик қоним тўкилган жойдан узоқда, ўзга хонадон, ўзга мактабда! Куники кета олармиканман...

Бахтиёр акамлар оиласи мени иссиқ бағрига олди. Жигаргушларим Шерзод ака, Раъно опамлар мени кўйгани жой топишомлайди. Муяссар янгам эса ўз фарзандларидан ортиқ курдилар. Шахзод акамни эса асти қуяверинг. Бирга дарс тайёрлаймиз, бирга ўйнаймиз, ўй юмушларини

ҳам бирга бажарамиз.

Ҳа, айтгандай, мактаб масаласи нима бўлди, дент? Очигроги, дастлаб ҳаяжонландим. Ўқитувчимиз Шоира Исмоилова мени жуда яхши кутиб олдилар. У кишини таърифлашга сўз ожиз. Шундай меҳрибларки. Янги синфдошларим билан ҳам тезда чиқишиб кетдим. Одобу-аҳлоқда илмда тенги йўқ уларнинг. Тўгри, бошида ўқишида анча қийналдим. Аммо синфдошларимнинг очиқ чехралари, ўқитувчимнинг меҳриблонларни менинг ўқишимда ёрдам берди. Уйдагилар ҳам хурсанд.

Энди ўйлаб қарасам, бошида бекорга ҳайиқсан эканман. Шуни англаб етдимки, инсон

СИЗ МЎЛТАБАРСИЗ

Ўқитувчи — энг мўътабар, энг улуғ инсон. Ўқитувчи беҳисоб болага илм беради, комил инсон бўлиб етишиши учун жон кўйдиради. Кўз нурини, қалб меҳрини улашади.

Доноларнинг айтишича, бола мактабга келаётганида кўзини юмиб келаркан, кетаётганида эса кўзини очиб кетар экан. Мазмуни шуки, илк бор мактабга қадам кўйган бола илм дунёсидан бехабар бўлади. Ўқитувчи уни илмдан, ҳаётдан хабардор қиласи. Натижада у мустақил ҳаётга дадил қадам қўяди. Бу Фидокор, жонкуяр ўқитувчи меҳнати-

нинг ширин мевасидир.

Ҳар бир устоз ўз ўқувчиларининг гўзал фазилатли, бўлиб етишишини истайди. Шогирдининг порлоқ келажагини, баҳтини кўриш муаллимга чексиз қувонч бағишлайди.

Доим бизни тергайсиз,
Лекин озор бермайсиз.
Ғам-ташвишдан толманг — сиз,
Мўътабар ўқитувчим...

Дилфузा TOFAEVA,
Сурхондарё вилояти, Денов
туманидаги 6-мактабнинг
9-«А» синф ўқувчиси.

Изҳор



Мен яқында бир бола билан танишган эдим. (Исмини айтган эди-ю аниқ эсімда йүк) Ўзи мен тенге бұлсаям-чи, мактабга бормас экан. «Уйда үтирса керак», деб үйлаяпсанми? Йүк, асло! Күчада ҳам үйнамайди. Түгрисини айтаймы? Уни бозордан ТОПАСАН. Тамаки сотармиш. Ҳатто, унинг чигиртканинг овозидай чирилдоқ саси қулогимга чалингандай бұлади... Кимга Хон кимга ?!... Үкиш ҳақида сұрамоқчи бұлсанг «үқиб олим бұлармидинг?.. Э, бор-е, ишингни қил!!!! деб құл силтаб кетади. Ахир киши фақат олим бўлиш учун ўқимайди-ку?

Сарвар ЭРМЕТОВ,
Юнусобод туманиндағы, 302-мактаб ўкувчisi.

«ФОЗ» ГА АЙЛАНГАН ГАЗ

Қишлоғимизга газ келиши керак эди. Дадамнинг айтишига қараганда, бундан саккиз йил аввал биз томонга қараб йўл олган газ фоз бўлиб осмонга учб кетганиш. Шу сабданми, биз томонда болалар тез-тез осмонга тикиладиган бўлиб қолишиган. Айниқса, ҳавони тўлдириб қушлар галаси учганда умид билан осмонга қараймиз. Бизнинг адашган «фоз»имиз шулар орасида бормикан, бор бўлса, «зора қишлоғимизга келиб қўнса» деб.

Хумора СУЛТОНОВА,
Самарқанд вилояти
Иштихон тумани 17-
мактаб ўкувчisi.

«Зифаплағон», ушбу хатимни ойижонимга етказини. Ҳ Тошкентдаги ишодом деған бозорда ўтирафмиш.

иа қўймайди. Ахир, мен овқат ташефлашни билмайман-ку? Ойижон, мен сизга айткан ўша импортиний этикдан бутунлаш

ОЙИМГА ХАТ

«Ойижон, мен сизни жуда созиндим». Дадам уйда ўтирафмайди. Ҳаф қуни қаёлқадир кептиб, көваси билан ухлаг қолишина келади. Коронни тушени билан укам иккаламиз күрғиб, шкафия кишиб ўтирафмиз. Ҳакам жуда итилоғи бўлиб қоллан. Айниқса, овқат деб ҳоли жоним

воз көдим. Қебак эмас. Оғимдаги қалишим бўлади. Собук тушса, жун пайпоим билан қияман. Фақат ўзининг тезроқ келини. Биз, укам иккаламиз сизни жуда созиндик.

Замира ХЎЖАЕВА,
Урганч шахри.

Бизнинг синфимиз аҳил ва иноқ эди. Ҳамма үғил болалар ҳам, қиз болалар ҳам бир-бирларимиз билан жуда қалин ўртоқ эдик. Бошқа синф болалари, ҳатто ўқитувчиларимизнинг ўзлари ҳам бизнинг синфиңи қандайдир қувонч билан тилга олишарди. Бир куни бизнинг синфа янги ўқувчи қиз келди. Унинг дадаси туманимизга ишлагани келганилиги учун оиласи билан бирга келган экан. Түгрисини айтсам, шу қиз келдио, бизнинг синфимиз «издан» чиқиб кетди. Бу қиз синфимиздаги баъзи бир қизларни ўзига «оғдириб» олди.

31 дайди

Ота-онаси ишчи бўлган қизларни камситадиган, улар билан гаплашмайдиган бў-

лик эди. Негадир, ўқитувчиларимиз ҳам у қизга индашмас эди. Бир куни син-

римизга, ҳатто, кийимларимизга ҳам шундай деб ёзадиган бўлишиди. Биз

ДЎСТАЛК МАНСАБ ТАНАЙДИМИ?

либ қолди. Унга эргашган баъзи қизлар ҳам бизни камситиб гапирадиган, устимиздан куладиган бўлишиди. У қиз ҳар куни ҳар хил кийим кийиб келар, мактаб формаси у учун гүё янги-

фимиз ўқувчилари тараф-ма-тараф бўлиб урушиб кетишиди. Шунда у қизнинг тарафига кўп қизлар оғишиб, бизни «камбағалнинг боласи» деб камситишиди. Парталаримизга, сумкала-

«камбағалнинг боласи» эканлигимиздан пушаймон едик. Шундан кейин синфимизда мажлис ўтказдик. Мажлисда сўзга чиқкан бу қиз ҳаммани ўзини оғзига қара-

тиб, ойижониси ва дадажонисининг иш жойлари ҳақида гапириб берди. Сүзининг охирида у синфимизни иккита баға: бойлар ва камбағаллар та бақасига ажратиб қўиди.

— Дўстлигимиз энди ота-оналаримизнинг мансаблариға қараб бўлади, — деди у сўзининг охирида. Шу вақтгача дўстлик мансаб танлашини билмаган эканмиз. Биз бу қизнинг фикри нотўғри эканлигини қандай тушунтирасак бўларкин?

Сайёра РАСУЛОВА,
Андижон вилояти.
Балиқчи тумани.

Давлатимиз мустақил бўлганидан сўнг, Тошкентни кўркига яна кўрк қўшилиб, кундан-кунга чиройли бўлиб бормоқда. Мен пойтахтимиз Тошкентта келиб, бу ердаги шароитлар билан қишлоғимиздаги шароитларни таққослаб кўрсам, бехосдан кўнглим ўксайди. Тошкентлик дўстларим бизнисига меҳмонга боришни жуда ҳам хоҳлашади. Лекин... Мени қийнаб келаётган нарса шу бўлади. Мен Самарқанд вилоятининг Тўхмон деган қишлоғига тураман. Бизнинг қишлоқда на асфальт йўл, на тош йўл бор! Ёз кунлари тупроқ тўлиб

«ЗИРАПЧА» ДАН УМИД

ёттан йўллардан куз ёмғири жарликлар барпо этади. Мехмонга келганилар-у, бир амаллаб йўлларини топишади. Аммо бирор киши бемор бўлиб қолгудек бўлса, бу ўйдим-чуқур йўллардан беморни олиб, Марказий шифохонага жўнаш — бир кишининг ҳаётни устида таваккал қилиш дегани эмасми?

Мактабимизни-ку, гапирмасак ҳам бўлаверади. Кўзингизга ташланадиган бирор замонавий жиҳознинг ўзи йўқ. Бу мактабда ўқиётган ўқувчиларга «компьютер» ҳақида гапирсангиз, худди эртак тинглаётгандек эшишишади.

Азиз «Тонг юлдузи!» Биз ушбу хатимиз орқали ўз ишларига бармоқ орасидан қараётган баъзи бир мутасадди ўртоқларнинг ўз ишларига масъулнамаларни ёндашишларини сўрар эдик. Бизга ёрдам берасан, деган умиддамиз.

Сайфулло ДЎСТКУЛОВ,
Самарқанд вилояти,
Кўшработ тумани,
Тўхмон қишлоғи.

АЙБИМ НИМА ЭДИ?..

Салом, қадрдон газетам «Тонг юлдузи!»

Бу хатни сенга ботиниб, ботина олмай ёзяпман. Ҳалқимизда «Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди», деган нақлбор. Кел, сенга бувоқеани бошидан айта қолай.

Менинг бир Дилдора деган дуғонам бор эди. У билан бир кучада турганимиз учун у билан аввалига яқин дугона бўлдик, кейин эса опасингил тутиндик. Қаерга борсам, у билан бирга борардик, қайтишда ҳам бирга қайтардик. Үнга ҳатто ойиларимиз ҳам кўнишиб қолишианди. Дилдоранинг гойиси касалхонада ҳамшира бўлиб ишларди. Отаси йўқ. Дилдора кўпинча отаси ўйқлигидан сиқилиб йиглар эди. Мен эса унга тасалли беришдан нарига ўта олмасдим. Ёшимиз улгайтан сайин Дилдорага бу нарса жуда ёмон таъсир қила бошилади. Бирор нарса юз берадиган бўлса, кўни-кўшнилари унга «бари-бари» отасизда, ота тарбиясини курган

бала бошқача бўлади, — деб уни хафа қилишарди. Менинча ҳаммаси ушандан бошлианди. Дилдора уйларидаги қийинчиликданми, ёки ўзи ҳоҳлаган ҳолдами ўғирлик қила бошилади. Тўғри, бу нарсани хеч ким ўзи ҳоҳлаган ҳолда қўлмайди. Дилдора танаффуларда қизларнинг сумкаларидан пулларини, ручкаларини олиб қўядиган бўлди. Мен унга бу йўлдан қайтиши кераклигини неча марта илтимос қилдим, лекин у ҳоҳлемади. Кейинчалик Дилдора физкультура дарсларида ечиниш хонасига кириб, қизларнинг яхши кийимларини ўғирлай бошилади. Бутун мактабда фала-ғовур бўлиб кетди. Ҳамма «ўғри»ни қилира бошилади. Дилдора эса хеч нарса кўрмагандек бўлиб юраверди. Мен Дилдоранинг қулга тушиб қолишидан жуда қўрқардим. Бир куни бу ҳақда ўқитувчимизга айттиб бердим. Ҷақимчилик қилганим йўқ, Дилдоранинг үйлаб қилгандим буишни. Мактабда бу гап овоза бўлиб кетди. Дилдорага ҳарчанд тушунтири-

сам ҳам, у мени тушунмади. Мени «ҷақимчисан, мени шарманда қилдим», — деб мен билан жанжалашиб қолди ва бошқа мактабга ўтиб кетди. Энди уни кучак-кўйда кўрадиган бўлсан, ёнимдан худди бегона кишидек ўтиб кетади. Сал нарирокка борганида «ҷақимчи загизон» — деб кетади. Бу гапни эшигтан кучамиздаги ёш болалар мени курди дегандан шу гапни айтиб қочишидан бўлди. Мана ҳозир 11-синфда ўқияпмиз. Бу воқеага 2 йил бўлди. Лекин Дилдоранинг ҳам, мени ҳам хоётимизда аллақандай ўзгариш бўлди. Чунки мен у билан то кексайгуниимизча шундай иноқ бўлиб қоламиз, деб сўз берган эдик. Энди эса... Баъзан мен қилиб қўйган ишимдан афсусланаман. Лекин агар айтмаганимда нима бўларди? Мен ҳали ҳам Дилдора билан дугона бўлишни хоҳлардим. Нима қилай, менга ёрдам бер!

Нигора ТЎЛАЕВА,
Паркент тумани.

... Болалик — зангор фасл. Эндигина ўтқазилган нүхолга ўшайди. Баргларини шабнам — у, титроқлар ўйнаган. Бирорта ой нури ўйқу, болаликниң дүнсениң сүреклаб келмаган. Менинг болалигим Бағдод туманининг «Хитой» қишилогида ўтган. Ўша күнлар ҳақида ўйласам, юрагим орзишиб кетади. Болалик — инсоннинг энг тоза, шодон, беғубор дамлари экан. Болалигимнинг энг масур дамлари Ёрқиной исми дугонам билан ўтган. Доимо уйимизнинг орқа тарафидаги толлар соясида ўйнардик. (Фақат искакаламиз). «Хола-хола», «Тандир пишиши» ўйинларимизни ҳар куни ўйнаб, тақрорлайвериб ҳам зерикмас эдик. Бир-биримизни шунчалар яхши кўрар эдикки, агар бирортамиз бошқа бир тенгдошимиз билан гаплашиб қолсан ularдан бир-биримизни қизғониб, аразлашиб қолар эдик. Ҳозир ўша дамларни эсласам, ўша бир-биримизни қизғониб, аразлашиб қолишими болаликниң ўзига хос покиза туйгусимикан? — дея ўйланиб қоламан. Ўша зангор фаслини согинганимда, согинчдан шеърлар ёзман:

БОЛАЛИГИМ, ЁМФИРЛАРДА ҚОЛГАН ГИЁХ

ЭРТАК

Болалигим — ёмғирларда қолган гиёх,
Энди сени сүреклаб ҳам тополмасман.

Болалигим — оқиб кетган ул гулимох,
Кўзларимга олиб сени чополмасман.

Болалигим — юлдузларнинг шивирлари,
Энам эккан райхонларда қолиб кетди.
Онам айтган эртакларнинг хур қизлари,
Болаликни сандигига солиб кетди.

Аллалари, кувончлари, қўшиқлари,
Жимжимадор, тахтировон
кўшклари.

Топиб беринг, она қайда
бешикларим?

Деган савол юрагимга ботиб
кетди.

Шундан бери неча тонглар
чопиб ўтди,
Сочларимда қанча тунлар ётиб
ўтди.

Болаликниң қиқир — қиқир
кулгулари,
Мени ҳаёт дарёсига отиб кетди.

СОГИНЧИ

Ўшал күнларни — эй, бирам

кўмсайсан,

Ойга ёқсан, гўзал титроқли қишилок.

Оқ ёмғирлар исин таниб ўсганим,

Болалик йилларим кетмангиз йирок.

Бу согинчим сизга...

Акаларим билан тандир бўйида

Жажжи қўлчаларим тутганда кулча,

Чорбог этагида, ҳовуз бўйида

Сувда ой аксини таниган кеч...

Бу согинчим сизга...

Үйнинг ортидаги катта ариқда

Сувга сирин айтиб оқсан олмалар...




ЎҚУВЧИСАН, ЎҚИБ ОЛ, ҚАЙТА-ҚАЙТА ЎҚИБ ОЛ!

Ўқувчини аввало, безаб турсин одоби,
Яхши хулқи-одоби, бўлгай умрин офтоби!
Ўқувчининг ҳар доим, бўлсин ширин қаломи,
Раҳмат, олқиши ёғдирсин унга чин дил саломи!
Кийинсин у озода, бўлиб кўркам-андоза!
Китоб, дафтар, буюмин сақласин доим тоза!
Катталарга мададкор, тенгдошлирига ҳамкор,
Кичкитойларга ғамхўр бўлсин оқил ва шунқор.
Ёлғон сўзлашини билмай, келсин дарсга кечикмай,
Ўқиб «аъло» ҳамиша, изласин тиним билмай!
Шу бугунги ўқувчи-эртага арбоб, олим,
Келажак зўр талабин ёдда тутсин ҳар доим!
Севган касбга интилиб, бўлсин ҳалқقا хизматкор,
Инсон бўлиб ҳақиқий — бўлсин Ватанга даркор!!!
Илм олиб ўрганиб жаҳон билан бойлансан,
Буюк Давлат қўрмоққа болаликдан шайлансин!
Болаликдан ўргансин севмоқликни Ватанини,
Оқ сут берган она-ю, юрти Ўзбекистони.
Ватан умид қилгуси ўқувчидан ҳар нафас
Деб Ватан ва эл-юргита содиқ фарзанд бўлса бас.
Келажакнинг талабин сен ўқувчи ўқиб ол,
Хозиржавоб бўлмоққа қатъий-аъло ўқиб ол!

Мирзо ХАЙДАР,
Андижон вилояти, Пахтаобод тумани,
20-мактаб ўқитувчиси.

Соғинчли салом



Ховли ўртасида марвартак тутдан,
Тергувчи чапани, чақон болалар...
Бу согинчим сизга...

Бу согинчим сизга юлдуззор тунлар,
Менга турналарнинг кўзин танитган...
Хаёллар тўкилган киприкларимнинг
Юртгимга боргувчи йўлин ёритган
Бу согинчим сизга...

Бу согинчлар сизга юлдуззор тунлар...

СИҲОРДОМ- ЛАРИМДА

Сизнинг кўнглингизга кўлларим етмас,
Сиздан тониб хаёл ортига қайтмас.
Оҳ, бу кўзлар ўша қўшигин айтмас.
Сизни кўп соғиндим, сизни соғиндим.
Ҳар тун юрагимни эзар бир нола,
Саломим етказса шамоллар зора,
Дарсларда кўз узмай тикилган

бала,

Сизни кўп соғиндим, сизни
соғиндим.

Тонгача шабнамин асраран
еллар,
Осмондай орзули покиза диллар.

Ерларга тўкилган ним пушти
гуллар,

Сизни кўп соғиндим, сизни
соғиндим...

Тўптошдек ҳар томон қочиб
кетганлар,
Юрагимга титроқ сочиб кетганлар,
Согинчим дарчасин очиб

кетганлар,
Сизни кўп соғиндим, сизни
соғиндим...

Дугонам ЁРҚИНОЙга

Оҳ дугонам, соғиндим сизни,

Бирга йиглаб, бирга кулардик.

Оҳ, гуллаган олча тагида

Ёмғир товушларин тинглардик.

Оҳ дугонам, соғиндим ўша
Кипригингиз жилоларини.

Кўзлардаги покиза бегард,

Болалакнинг дунёларини...

Гул хаёлли эдиг иккимиз
Шаҳарларни орзу қиласардик
Шаҳарларга кетиб колиши
Ушалмаган бахт деб билардик.

Сувга ёқсан толлар тагида
Доира чалиб базм қурардик.
Ойдин кечадай бахтни
Оқ кушлардан тинмай тилардик.

Оҳ қанчалар шодон эдик-а,
Бир-биримиз қандай севардик.
Дер эдик: — Ҳасан-Хусан бўлса
Бир ҳовлига келин бўлардик...

Колиб кетди ҳаммаси ортда,
Ойдин кечадай тўлмадик.
Оҳ дугона, Ҳасан-Хусан йўк...
Бир ҳовлига келин бўлмадик...

Озода ТЎРАҚУЛОВА,
Фарғона вилояти,
Бағдод тумани.

МУНОСИБ ЖАВОБ

Савол берар муаллим, «қани, айтинг болалар,
Дунёда нима гўзал?.. Атиргулми, лолалар?»
Бир бола «Лола!» — дейди, иккинчиси, «атиргул»
Кўл кўтарди, уялиб аълочи қиз — Нозигул.
— Дунёда гуллар гўзал, кўркдир гулу-лолалар,
Аммо, дунё гўзалиги бизлар — баҳтли болалар!

ОЛИМ БЎЛАМАН

Фанлар ичра менга ёқар, қўшиқ дарси — мусиқа.
Мусиқадек осон бўлса кошки эди физика...
Адабиёт дарсими ёқтираман азалдан,
Чунки, «беш» олмоқ мўмкин-икки мисра
газалдан...
Қайдан келган ойижон, шунчалик кўп олимлар?
Ойим дейди: олим бўл, ҳозирдан
қўй одимлар!

ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

ИҚТИСОДЧИ

“Тонг юлдузи”га илова
иқтисодий газета



ДУНЁ БОЛАЛАРИНИНГ ОРЗУСИ

ЎЗБЕКИСТОН


ЯПОНИЯ

АВСТРАЛИЯ

АНГЛИЯ

АФРИКА

ШВЕЦИЯ



УШБУ СОНДА:

„ОИЛА ВА
ЭКОЛОГИЯ
БОЛАЛАР НИГОҲИДА”

7-БЕТ

Инсон икки нарсадан мураккабдур. Бири жасад, иккинчи нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўрур. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, оқни қорадан айирур.

ХУЛҚ

8-БЕТ

Аслида гирдоблар хавфли бўлса ҳам, бирор нарсанни тортиб кетиш ёки ютиб юбориш қудратига эга эмас.

ГИРДОБ НИМА?

9-БЕТ

БИР БОР ЭКАН,
БИР ЙЎҚ ЭКАН.
ПУЛ ДЕГАН
БЎЛГАН ЭКАН...

10-БЕТ

МАКТАБЛАРДА ТАЪТЦА
МУНОСАБАТИ БИЛАН
„ИҚТИСОДИЁТДАН
САБОҚЛАР“
КОНКУРСИ
ТОПШИРИҚЛАРИ
КЕЛГУСИ СОНДАН
ДАВОМ ЭТАДИ.

ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ

12-БЕТ

Бизга дўстлик ярашар,
Дўст-дўстига қарашар.
Яхлит гулдаста бўлсак,
Гуркираб кетар, башар.

Замон тинч бўлсин, яна,
Тинчлик қилсин тантана.
Камолимизни кўрсинг,
Мехрибон замин — ОНА!

ДЕНГИЗДАН ТОМЧИ

ФИЗИКА:

ҚУРУҚ ЕР НЕГА КУЛРАНГ КҮРИНАДИ?

Серкүёш кунларда қуруқ ер кулранг күринади, ёмғирдан кейин эса хўл ер қорага ўхшайди.

Савол: Қуруқ ер билан хўл ернинг ранги бошқача-бошқача бўлишининг сабаби нимада?

Жавоб: Тупроқ таркибида қум зарралари ва унга ўхшаш бошқа тиник зарралар бор. Улар ўзидан нур қайтариш хусусиятига эга. Қуруқ тупроқдаги заррачалар орасида ҳаво бор. Ҳавонинг нур қайтариш қуввати қумнинг нур қайтариш қувватидан анча оз. Шу сабаби қум заррачалари нурни кўпроқ қайтаради ва ёрқинроқ күринади.

Хўл тупроқда эса заррачалар орасида ҳаво эмас, сув бўлади. Сувнинг ўзида нур қайтариш кучи қумнинг нур қайтариш кучига teng. Шунинг учун ҳам сув орасидаги қум алоҳида кўриниб-ярқираб турмайди. Натижада ер тўқ рангда, яъни қорароқ күринади.




МАТЕМАТИКА:

ҲИЛОЛ

Ой ўроғини 2 та тўғри чизик ёрдамида 5 қисмга бўлиш мумкинми?

- Ҳа, бунинг учун суратдагидек - ўзаро кесишган 2 та чизик чизиш кифоя.

МАТЕМАТИКА:




МИНОРАНИНГ БЎЙИ

Сиз яшайдиган шаҳар ёки қишлоқда баланд минора бор дейлик. Сиз унинг бўйи қанчалигини билмайсиз. Лекин қўлингизда бу миноранинг фотосурати бордир. Шу расмга қараб миноранинг баландлиги қанчалигини билиш мумкинми?

Ҳа. Бунинг учун суратдан миноранинг асоси қанча эканини аникладимиз. Масалан, у - 19 мм. Бўйи эса - 95 мм. Сўнг ҳаётдаги миноранинг ўзининг асосини (айланасини эмас!) ўлчаймиз. У, масалан, 14 м бўлсин.

Энди суратдаги миноранинг асоси билан унинг бўйи қандай ниссан.

батда эканини топамиз: 95 мм: 19 мм = 5. Энди бизга маълумки, шахримиздаги миноранинг бўйи унинг асосидан 5 марта катта, яъни $14 \text{ m} \times 5 = 70$ метр.



ҚОВУН ТАНЛАШ

Дехқон бир ҳил навли 2 та қовун сотмоқчи. Улардан бирининг йўғонлиги 60 см, иккинчисини эса 50 см. Биринчи қовуннинг нархи иккинчисидан бир ярим баравар қиммат.

Сиз қайси қовунни сотиб олсангиз фойда қилган бўлардингиз? Ўйланг-чи!

Қийналманг. Келинг, яхшиси, биргалашиб ҳисоблайлик:

Қовунлар йўғонлиги айланаларининг ўзаро нисбати - 60 см: 50 см = 6/5 бўлади.

$$\begin{array}{r} 63 \\ - 5 \quad 125 \\ \hline 1,73 \end{array}$$

Демак, катта қовуннинг ҳажми (ёки оғирлиги) кичигидан 1,73 марта кўп экан. Бошқача айтганда, катта қовуннинг нархи кичигидан 73% қиммат бўлиши керак. Дехқон эса унга атиги 50% кўшимча пул сўрайти. Ўз-ўзида равшанки, катта қовун ўзига қарандан арzon, шунисини сотиб олган маъкул.

ГЕОГРАФИЯ:

“МОМАҚАДИРОҚ ҚУТБИ”

Момақалдироқ - осмонда бўладиган табиат ҳодисаси. У чақмоқ чақиши ва шовқин тарқаши билан туғалланади. Ер юзида ҳар куни 1800 марта гача момақалдироқ бўлиб турди. Бу ҳодиса юқори кенгликларда жуда кам учрайди, лекин ёз вақтида у ҳатто Марказий Арктиканда ҳам тез-тез бўлиб турди.

Дунёда шундай жой ҳам борки, у ерда момақал-

дироқ жуда кўп кузатилади. Бу ерни одамлар “Момақалдироқ қутби” дейдилар.

Савол: “Момақалдироқ қутби” қаерда жойлашган?

Жавоб: У - Ява оролидаги Бютензорг деган жойда. Бу ерда бир йилнинг 322 кунида момақалдироқ гумбурлаб турди.

“КЕТМОНИНГИ КЎТАРИБ ЮГУР, ШАМОЛ!”

нинг мавсумий ўзгариши билан боғлиқ.

Савол: Ёзги муссон қаёққа қараб эсади: денгиздан қуруқликкими ёки қуруқликдан денгизгами? Қиши муссон-чи?

Жавоб:

1. Шамол - ҳавонинг ҳаракати.
2. Ҳаво босими юқори ҳудудлардан ҳаво босими пасть ҳудудоарга горизонтал ҳолатда йўналади.

3. Муссонлар - мувсумий шамоллар, пассатлар эса - доимий шамоллардир.

4. Ёзги муссонлар денгиздан қуруқликни, қиши муссонлар эса қуруқликдан денгизга томон эсади.



ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Пул:

а) Ҳамма бошқа товарлар учун умумий эквивалент вазифасини бажаради.

б) Ҳамма бошқа товарлар сингари ўзининг қийматига эга.

в) Ҳамма бошқа товарлар сингари ўзининг истеъмол қийматига эга.

г) Ҳамма товарларни харид этиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

д) Нотўғри жавоб йўқ.

2. Қайси мамлакатда пул вазифасини буғдой бажарган?

а) Римда.

б) Африкада.

в) Кадимги Мисрда.

г) Хитойда.

д) Мўгулистонда.

3. Қуидагиларнинг қайси бири айрбошлиш чогида пул вазифасини бажарган?

а) Чорва.

б) Қимматли чиганоқ, қимматбаҳо металлар.

в) Фил суюги.

г) Туз, чой, асал, буғдой.

д) Нотўғри жавоб йўқ.

4. Чек - бу:

а) Марказий эмиссия банклари томонидан чиқариладиган фоизсиз кредит билетидир.

б) Қўшимча маҳсулотнинг пул шакли.

в) Акционер жамият фойдасининг акция эгасига тегадиган, бинобарин, унинг даромадига айланган қисми.

г) Имзолаганнинг жорий ҳисобидан муайян суммани бериш ёки бошқа ҳисобга ўтказиш ҳақида банкка берилиган ёзма фармойишини ифода этувчи хужжат.

д) Нотўғри жавоб йўқ.

5. Вексель:

а) Сотилиши мумкин.

б) Кредит шаклида берилиши мумкин.

в) Олди-сотди битимида ҳисобкитоб сифатида ишлатилиши мумкин.

г) Тўлов воситаси вазифасини бажариши мумкин.

д) Нотўғри жавоб йўқ.

6. Вексель - бу:

а) Муайян миқдордаги қарзни белгиланган муддатда қатъий тўлаш мажбурияти юкланган, қонун билан тасдикланган ҳолатда тўлдириб расмийлаштирилган қарздорлик тилхати.

б) Имзолаганнинг жорий ҳисобидан муайян суммани бериш ёки бошқа ҳисобга ўтказиш ҳақида банкка берилиган ёзма фармойишини ифода этувчи хужжат.

в) Марказий эмиссия банклари томонидан чиқариладиган фоизсиз кредит билетидир.

г) Банк ёки маҳсус кредит (савдо) муассасаси томонидан бирор киши номига берилиган пул хужжати.

д) Нотўғри жавоб йўқ.

7. Электр пул - бу:

а) “Кўйма” шаклидаги пул.

б) “Кредит карточкаси” шаклидаги пул.

в) “Банкнот” шаклидаги пул.

г) “Чек” шаклидаги пул.

д) Нотўғри жавоб йўқ.



„ОУЛА ВА ЭКОЛОГИЯ“



БОЛАЛАР НИГОҲИДА“

ЁНГОҚ БОЛАСИН ҚАНДАЙ АСРАЙДИ?


Болалар, ёнгоқнинг боласини кўрганимисиз? Эшигин: ёнгоқ гулламайди. У биратула мева тугади. Олдин яшил барглари ривожланади. Кейин меваси ҳам яшил тусга киради. Орадан ойлар ўтиб, куз келиши билан барглар олтин тусга киради. Шунда мевасининг тўни ҳам сарғаяди. Октябрь ойида ёнгоқ пўсти кесак рангига киради. Чунки, у пастдаги ер рангига мослашади.

Қаранглар-а, ёнгоқ дарахти мевасини жуда ҳам аяр экан! Барглари яшил пайтларида довуччаси ҳам яшил бўлади, меваси борми-йўклигини билиб бўлмайди. Худди “Мевами олмангиз, ҳали пишмаган”, - дегандек туюлади. Кузда барглари сарғайганида меваси пўсти ҳам сарғаяди. Япроқлари кесак рангига кирганда, ёнгоқ ҳам кесак рангига киради. Шунда ҳам у мевасини бергиси келмайди.

Охири, меваси, яъни болалари ерга тушиб олади. Чунки улар биз - болалар билан ўнашни хоҳлар экан. Қаранг-а, ёнгоқ ҳам боласини худди онамиз бизни асрраганидек асрраб, хомлигига қизғанар экан.

Камола ОРТИҚБОЕВА,
Тошкент шаҳридаги 23-ўрта мактабнинг
7-“А” синф ўкувчиси.

МАҲСУЛОТИНГ ҲАҚИДА БОЛАЛАРГА АЙТ, ОЛАМГА ДОСТОН БЎЛАДИ!



Дўконлар: Тошкент, Нукус кўчаси, 20-а уй.
Тел: 56-65-92.
Наманганд, Дўстлик шохкӯч.
14-уй. “Барака-Р”.

ХАЗОН ФАСЛИ

Хазон фасли келди, дейишади. Хазон фасли ҳам бўладими!? “Ҳа, бу - фаслларнинг бешинчиси!” - дейишингиз мумкин.

Табиятда бешинчи фасл борлигини ҳали китобларда ҳам ўқимаганман, зангори экранда ҳам айтишмаган. Рост-да, бунақа фаслнинг ўзи йўқ. Одамлар кеч кузни хазон фасли деб айтишади. Чунки кеч кузда дарахтларнинг япроқлари сарғайиб кетади. Яқиндагина камалак рангида товланиб ётган гулзор ҳам бугун сомондек сарғайган. Дарахт шохларида сарғайган япроқлар чирт-чирт узилиб ерни қоплади.

Мен бир нарсага ҳайронман: куз келиб, ҳаво соувган вақтларда қалинроқ кийиниш ўрнига, дарахтлар нега бор ям-яшил кийимларини ҳам ечиб ташларкин?! Мен дарахтларга, ўсимликларга ачинаман, барibir. Дараҳтнинг кичик-кичик шохлари бўлса синиб тушади, ерда хор бўлиб ётади. Ёш ниҳоллар октябрь ойида ёнгоқ пўсти шип-шийдан бўлиб колган. Улар билан ҳеч кимнинг иши йўқ...

Мен сизлардан бир нарсанни илтимос қиласман: ердаги хазонларни босманглар. Уларни тўплаб боғ четига аста кўмиб қўйинглар. Улар ер бағрида иссиққина ётсин. Синган шоҳ-шаббаларни бир четга олиб қўйинглар ё уйга олиб кетинглар. Улар бундан севиниб, қишида уйингизни, сизни иситади!

Дилноза МУСАЖОНОВА,
Тошкент шаҳридаги 243-мактабнинг
4 - “Е” синф ўкувчиси.



ГЕРБАРИЙ ТАЙЁРЛАДИК

Кузнинг учинчи ойи бошланди. Ботаника фани ўқитувчимиз гербарий тайёрлашни буюрдилар. Дарс тугади. Биз мактабдан келиб овқатланиб олиб, дугонам Шоира билан боғдаги дарахтларнинг япроқларидан теришга тушдик. Куз-да! Ерга ҳазонлар тўкилган. Ҳар ерни босганимизда ҳазонлар шитир-шитир қилиб ёғилаётгандек туюларди. Шунда қўшнимиз Жўра амакининг товушлари эшитилди:

- Ҳой, болалар, ҳали қулиб, ҳали ҳазон шитирлатасизлар! Бугун кун илик, бир пас очиқ ҳавода дам олай дегандим. Нарироқда ўйнанглар, - дедилар.


Биз улардан нарироқча бориб яна барг тердик. Кейин уйга бориб япроқларни чиройли, рангли ҳар хил, тешимаган, йиртилмаганларини сараладик. Ва уларни ювиб, куритиш учун эски китобнинг варраглари орасига қўйиб қўйдим. Ишларимни, уй вазифаларимни бажариб бўлиб, гербарий тайёрлашни бошладим. Китобни очиб қарасам, барглар селгиб, курий бошлабди. Мен уларни олиб альбом ва рақларига тикдим. Тагига қайси дарахтнинг, қайси гулнинг барги эканини ёзиб қўйдим.

Эртасига мактабга бордим. Биринчи соат ботаника эди. Дарсга киришга кўнғироқ чалинди. Хонага кирдик. Ўқитувчимиз Заҳро опамиз “парта устига гербарийни, дафтариғизни олиб қўйинг”, - дедилар.

Биз китоб-дафтарларимиз ва гербарийларни олиб қўйдик. Муалима опамиз бирма-бир текширдилар. Мен, Шоира, Ноиба, Нарзира ва Феруза ҳар биримиз 10 баллдан олдик. Бу баҳодан хурсанд бўлдик. Лекин кеча Жўра амакини ранжитиб қўйганимиз кўнглимни хижил қилиб турарди. Чунки, кузнинг тоза ҳавоси Жўра амаки учун бебаҳо шифо эканини англаб етдик. Ҳа, кузнинг мевалари ҳам, ҳазонлари ҳам, ҳатто қуруқ ҳавоси ҳам биз учун туганмас бойлик.

Малика АЗИМОВА,
Тошкент шаҳридаги 111-мактабнинг
6-“Б” синф ўкувчиси.





ХОНАДОН

Абдулла Авлоний

АХЛОҚ

Инсонларни яхшиликга чақыргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқарнинг яхшилигини, ёмон хулқарнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қилаудурган китобни ахлоқ дейилур.

Ахлоқ илмини ўкуб, билуб амал қылган кишилар ўзининг ким эканин, жаноби ҳақ на учун халқ қылганин, ер юзида нима иш қымак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни,

*Сўйласанг сўйла яхши сўзлардан,
Йўқса жим турмоқинг эрур яхши.
Ўйласанг яхши фикрлар, ўйла,
Йўқса гунг бўлмоқинг эрур яхши.
Ишласанг ишла яхши ишларни,
Йўқса бекорлигинг эрур яхши.*

ХУЛҚ

Инсон икки нарсадан мурakkabdur. Бири жасад, иккичиси нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўрур. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, оқни қорадан айиур. Жасаднинг ҳам, нафснинг ҳам бирор сурати бордурки, ё яхши ва ё ёмон бўладур. Жасаднинг сурати ҳаммага маълум бир нарсадурки, ҳар вақт кўзга кўриниб турадур. Аммо нафснинг сурати кўзга кўрунмайдурган, ақл ила ўлчандур-

*Хулқи ёмон юз, кўзлидин на суд,
Юз, кўзли хулқни қимас кашуд.
Халқ маризига, даво истасанг,
Марғ давосин берилур қистасанг.
Хулқи ёмоннинг кетурар кўп зарар,
Хулқнинг ўзи бошинга калтак урар.
Хулқи фано бўлса дегил алҳазар,
Хору залилликда қолур дарбадар.*

ЯХШИ ХУЛҚ, ЁМОН ХУЛҚ

Ахлоқ уламоси инсонларнинг хулқарини иккига бўлмишлар: агар нафс тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликга тавсиф бўлуб “яхши хулқ”, агар тарбиятсиз ўсуб, ёмон ишлайдурган бўлур кетса, ёмонликга тавсиф бўлуб “ёмон хулқ” деб аталур.

Жаноби ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истеъод ва қобилиятли, яъши ила ёмонни, фойда ила заарни, оқ ила қорани айирадурган қилуб яратмишдур. Лекин бу инсондаги қобилиятни камолга еткормак тарбия ила бўладур. “Куш уясинда кўрганин қилаудур”. Инсон жавҳари қобилдур.

*Худонинг раҳмату файзи ҳама инсонга яксардур,
Ва лекин тарбият бирла етешмак шарти акбардур.
Туғуб тошлов ила бўлмас бола, бўлгай бало сизга,
Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга.
Темурчининг боласи тарбият топса, бўлур олим,
Бузулса хулқи, Луқмон ўғли бўлса, бўлгуси золим.
Ёмонларга қўшулади Нуҳнинг ўғли ўлди беимон,
Юруди каҳф ити хублар ила бўлди оти инсон.*

АГАР ТУМОВ БЎЛСАНГИЗ

Киши совқотганда соғлом одам организмида “мудраётган” вируслар ва микроблар активлашади ва юқори нафас йўллари шиллиқ пардаларида яллигланиш жараёни пайдо бўлади. Одатда бу пайтда дастлаб одам тумов бўлади. Бурун ҳадеб оқаверганидан бемор бурнини тез-тез қоқади. Аммо бундай қилиш асло мумкин эмас. Бурун битиб қолганда зўрлаб қаттиқ қоқиш натижасида шиллиқ ўрта қулоқка тушади ва бу ерда яллигланиш процесси бошланади. Бундан ташқари, томирлар жуда мурт бўлса, бурунни қаттиқ қоқканда у қонаб кетиш мумкин. Шу туфайли бурунни аста-секинлик билан, ҳар томонини галма-гал қоқиш лозим.

Тумов аломатлари бошланган дастлабки пайтларда, ҳали бурун кўп оқмаётган бўлса, иссиқ куруқ ҳавога ўзингизни тутинг (масалан, фенни - сочни қуриладиган электр асбобни токка улаб, унга яқинроқ - узатилган кўлингиз масофасида туринг), оёққа горчичникли иссиқ ванна қилинг (агар монеликлар бўлмаса), наъмматақ, малина, календула меваси ёки жўка гули, тоғжамбил, кўка гули дамламаларидан бироррасини ичинг. Агар бурун жуда битиб қолиб, унда ҳаво ўтиши қийинлашса, бурунга иликроқ аччиқ чой томизинг (кўк чой бўлгани яхши). Шундан сўнг чап ва ўнг бурун катаклари орқали галма-гал чукур нафас олинг ва нафасни оғиздан чиқаринг.

Яна бир нарсани эслатиб қўйиш лозим: тумов пайтида катта дастрўмол тутманг. Тумов яна қайта юқмаслиги учун ёнингизда бир неча дона кичикроқ дастрўмол ёки бир марта ишлатиш учун қофоз салфетка бўлсин.

ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

86-87-сонлар. 3 ноябрь, 1998 йил

ПЕЧКА, ЎЧОҚЛАРНИ ОҚЛАШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

Девор печкаларнинг сувогини хўллаш керак. Сувоқ бўкиб кўпчигач, уни дарров шпателда кўчириб ташланилади. Кейин печканни яна намлаш ва латта билан тозалаб артиш зарур. Бунда ҳамма ёриқлардаги лойлар ҳам артилишига эътибор беринг. Печка яхши қуригач, уни бўяш мумкин.

Бўяш учун оҳакли аралашма жуда маъқул. Бир кило сўндирилган оҳак эритмасига бир ош қошиқ (35-40 грамм) ош тузи кетади. Бунинг учун тузни сувда яхшилаб эритинг, сўнг шўр сувни оҳак бўтқаси устига куйиб, араплаштиринг. Эритма сметана қуюклигига бўлсин.

Бўёқ оч ҳаво рангли бўлсин десангиз унга озгина синька қўшинг.

Тайёрланган эритмани тоза латта ёки докада сузид олинг. Шундан сўнг печканни (ёки ўчокни) яхшилаб оқланг. У қуригач яна 2-3 марта оқланг. Шунда ўчок-печкангиз оппоқ бўлиб уйингизга кўрк бағишлади.



МУТОЛАА

80-81 СОНДА ЗЪЛОН ҚИЛИНГАН «МАКТАБДАГИ ТЎГАРАКЛАР ШИШИ» БОШҚОТИРМАСИНГ ЖАВОБИ

Биринчи савол - яна неча кундан сўнг мактабдаги бешала тўғарак бир вақтда тўпланди саволига жавобни осон топиш йўли бундай: 2, 3, 4, 5 ва 6 сонларига қолдиқсиз бўлинувчи энг кичик сонни топамиз. Мальумки, 60 ана шундай сон. Демак, энди бешов тўғарак 61-куни яна тўплана олади. Яъни, чилангарлик кунорда 30 мартадан сўнг, дурадгорлик - 20 марта ҳар уч кунликдан сўнг, 4 кунда бир бўладиган сураткашлик тўғараги эса 15 марта машгулотдан кейин, 5 кунда бир ишлайдиган шахмат тўғараги 12 мартадан сўнг, рубобчилар эса 10 марта машгулот ўтказгач, ҳамма

яна бир кунда тўпландиган кун келади. Демак, 1 январь кунги учрашув яна 60 кундан сўнг - кейинги чорақда бўлади.

Демак, 5 тўғарак бир кунда машгулот ўтказган кун ийлнинг 1-чораги (ўкув ийлиниң 3-чораги)да - фақат бир кун холос!

Иккинчи савол - неча кун январь-март ойларида мактабда бирорта тўғарак машгулот ўтказмайди?

Бу масалани ечиш учун 1 дан 90 гача бўлган ҳамма сонларни қатор ёзиб чиқиши керак.

Кейин бу сонлар қаторидан аввал чилангарлик тўғараги ишлайдиган кунлар - 1, 3, 5, 7, 9 ва бошқаларни,

сўнг дурадгорлик тўғараги ишлайдиган кунлар - 4, 7, 10 ва бошқаларни белгилаш даркор. Шу тариқа сураткашлик, шахмат ва рубобчилар тўғараклари машгулот ўтказадиган кунларни ҳам белгилаб чиқсан, ўчирилмай қолган сон - битта ҳам тўғарак машгулоти бўлмаган кунни билдиради. Бу ҳисобни эринмай бажарган ўкувчи биладики, ийлнинг 1-чорагида 24 кун тўғарак машгулотлари бўлмайди. Жумладан, январда 8 кун, яъни 2, 4, 8, 12, 14, 18, 20, 24 ва 30-кунларда мактаб зали бўш турди. Февралда - 7, марта


эса 9 кун ана шундай бўш кунлар бўлади.



ЭНГ ЧУҚУР ОКЕАН ҚАЙСИ?



Океанлар күп жиҳатдан ҳали-хануз жумбоқлигича қолмоқда. Биз уларнинг ёшини ҳам билмаймиз. Ер тараққиётининг дастлабки босқичларида океанлар ҳали пайдо бўлмагани ҳам эътимолдан ҳоли эмас. Инсон океанлар тубини тадқиқ қилмоқда. Океанлар туви 3600 метр чуқурликкача юмшоқ лойқасимон чўкиндилар билан қопланган. Улар майда денгиз жониворларининг оҳактошга айланган скелетларидан таркиб топган. 6 км.дан ошадиган чуқурликлар майда қизғиши лойқа билан қопланган ва у “қизил лой” деб аталади. Унинг таркибиға ҳайвонлар скелети зарралари, майда ўсимликлар қолдиқлари ва вулқонлар кули киради. Айни пайтда океанларнинг чуқурлигини ўлчаш учун сув остига товуш тўлқинлари юборилади, ундан эса акс садо қайтади. Товуш океан тубига етган ва унга урилиб қайтиб келган вақт ўлчанади. Ушбу вақт катталиги эса иккига бўлинади.



Шунга асосланиб, биз океанларнинг ўртача чуқурлигини ва энг чуқур жойларини кўз олдимизга келтирамиз. Энг чуқур океан Тинч океанидир, унинг ўртача чуқурлиги - 4281 метр. Ҳинд океаниники - 3963 м, Атлантика океаниники - 3926 м. Таққослаш учун бир мисол: Балтика денгизининг ўртача чуқурлиги, бор-йўғи - 55 метр. Бугунги кунда энг чуқур жой Тинч океанида бўлиб, унинг чуқурлиги 11022 метрни ташкил этади. Атлантика океанидаги Гуам ороллари яқинидаги бошқа бир чуқур жой эса 9219 метрдир. Ўз майдонига кўра, кўпгина денгизлардан катта бўлган Гудзон кўрфазининг ўртача чуқурлиги 183 метрдан ошмайди.




НЕГА ҚОР УЧҚУНЛАРИ АЙНАН ОЛТИ ҚИРРАЛИ?



Қор учкуну табиатнинг энг гўзал ижод намуналаридан биридир. Бундай нафис шаклни ясаш ўта машаққатли иш. Қор ёқандо милионлаб бундай учқунлар ерга тушади, аммо улар орасидан иккита бир хил учқунни топиб бўлмайди. Сиз қор музлаган сув эканини яхши биласиз. Агар у музлаган сув бўлса, нега оппоқ? Ахир, музлаган сув рангиз бўлади-ку! Қорнинг оқлиги сабаби шуки, муз кристаллчаларидан иборат ясси учкун ёруғлини қайтаради ва кўзимизга оппоқ бўлиб қўринади. Сув музлаётгандаги кристаллар ҳосил бўлади. Негаки, бунда сув молекулалари ўзига хос тартиб билан тизилади ва биз “кристалл” деб атайдиган геометрик шакл ҳосил қиласиди. Сув молекуласи уч заррадан: иккига водород атоми ва бир кислород атомидан таркиб топади.

Шунинг учун ҳам у кристаллашаётгандаги, уч ёки олти бурчакли шакл ҳосил қиласиди. Қорга айланадиган сув сувнинг атмосферадаги буғидир. Сув кристаллчалари музлаётгандаги кўзга кўринимас даражада кичик бўлади. Қор ҳосил бўлаётгандаги бу кристаллчаларни ҳаво қоимлари гоҳ пастга, гоҳ юқорига ҳайдаб юради. Бундай кўчйшлар жараёнида улар чанг зарралари ёки сув томчилари атрофида бирикади. Бундай кристаллар гурухи тобора катталашиб боради. Шундай қилиб, бир ядронинг теварагида бир неча юзлаб шундай кристаллар иғилиши мумкин. Бу гурух катта ва оғир ҳолга келгач, ерга инади. Биз уни “қор учкуни” деб атаемиз. Айрим қор учқунларининг диаметри 3 см.гача етади. Учқунларнинг ҳажми катта-кичикилиги тэмпературага боғлиқ.

НИАГАРА
ШАРШАРАСИ



Ниагара шаршараси Нью-Йорк штатидаги Буффало шахридан 25 км. узоқлиқда оқиб ўтадиган Ниагара дарёсида жойлашган. Ниагара дарёси Эри кўлига куйлади ва тўртта Буюк Кўлни Онтарио кўли билан боғлади. Дарё йўлиниг 58-километри ўрталарида тез оқим бирдан узилади ва баланд қоядан шаршара бўлиб пастга оқади. Бу Ниагара шаршарасидир. У иккита: Канада ва Америка шаршараларидан таркиб топган. Ниагара дарёси сувнинг 94% тик Канада шаршараси орқали пастга оқиб тушади.

Геологларнинг фикрича, Ниагара шаршараси анча ёш. У бундан, тахминан, 10-15 минг йил илгари пайдо бўлган. Муз даврида ҳозирги Ниагара ўрнини муз қоплаб олган. Музликлар эриб, Эри кўли ҳосил қилган. Ундан бир дарё оқиб чиқиб, кўлнинг сувларини шимолга олиб кетган.

Дарё оқими бир қояга етиб боради. Қалин оҳактош қатлами билан қопланган бу қоя Ниагара шаршарасини ҳосил қиласиди. Кейинчалик шаршара суви дарё ўзанини чуқурлаштириб юборган. Сувнинг тушиш баландлиги ўртача 50 метрдир.

Ниагара шаршараси ҳақидаги илк маълумотлар 1697 йили пайдо бўлган. Бу ҳақда француз тадқиқотчиси ва миссионери авлиё Луис Хеннепен ёзиб қолдирган. У илк марта шаршарани 1678 йили Сойр де ла Салл билан Янги Дунёга сафари чогида кўрган эди.

ГИРДОБ НИМА?


Биз гирдобни одамларни, кемаларни сув қаърига тортиб кетиб, фалокат ва ўлимларга сабаб бўлувчи айланәттан улкан сув массаси сифатида тасаввур қиласиз. Аслида гирдобрлар ҳавфли бўлса ҳам, бирор нарсани тортиб кетиш ёки ютиб юбориш курратига эга эмас.

Дастлаб гирдобрнинг ўзи нима билиб олайлик. Дарёдаги гирдобра кўзингиз тушган бўлса керак. У оқим қирғоқнинг бир четига урилиб, айланиси натижасида ҳосил бўлади. Кичик жойда айланётган сув гирдобрнинг четига интилади ва ўртача ўйик ҳосил бўлади. У марказдан қочувчи куч ҳосиласидир. Сув тўла человекни айлантирганимизда ҳам, айнан шу куч сувни тўкмай ушлаб туради.

Одамлар ва кемалар учун ҳавфли деб ҳисобланадиган катта гирдобрларнинг табиати қандай? Бир тўлқин олдингисини кувиб етганида, океан оқимлари айланиси ҳаракат қила бошлади. Бу ҳол кўпинча ороллар ўртасидаги энсиз бўғозларда ва қуруқлик қисмлари ўртасида ҳосил бўлади.

Агар бундай бўғоз чуқур бўлса, сув кўтарилиган пайдо ерда айланётган сув массаси воронкалар ҳосил қилганини кўрамиз. Аммо, таъкидлаб ўтганимиздек, океанларда гирдобр ҳосил бўлмайди. Океандаги гирдобр катта миқёсдага сувнинг бетартиб ҳаракати ёки айланисидир.

Гирдобрларни дунёнинг турли чеккаларida кузатиш мумкин. Улардан учтаси машхурdir: Мальстрём, Харидба ва Ниагара шаршарасидан кўйироқдаги гирдобр. Мальстрём Норвегия соҳилларида, Харидба эса Италия ва Сицилия ўртасидаги бўғозда жойлашган.





КАЛАШ


Давоми. Боши ўтган сонларда.

- Бу саволларга жавоб бериш учун наиза сотувчи Пикконинг бошидан ўтган ишларни бир эслаш кифоя. Шунда сизга ҳамма нарса тушунарли бўлади-қўяди.

БИР БОР ЭКАН, БИР ЙЎҚ ЭКАН.



Пикко битта наизани бир ҳафтада ясайди. Бу шига аввал у юз доллар ҳақ оларди. Энди одамларнинг пули кўп, улар ҳар куни наиза олгиси келади. Шу таҳдит наизанинг нархи ўсиб боряти.



Одамлар наиза сотиб олгани келишиди. Устада эса биттагина наиза қолганди. Уни Пикко кимга сотади?



Бир харидор бу наизага 110 доллар бермоқчи бўлди, бошқаси 120 доллар, учинчisi эса 125 доллар тақлиф қилди. Ва наиза энг кўп пул тақлиф қилган 3-харидорга насиб этди. Шундай қилиб, 100 доллар туродиган наизанинг янги баҳоси 125 долларга айланди.



- Кўрдингизми, юртда пул кўпайиб кетса-ю, маҳсулот аввалигча оз бўлса нима бўларкан? Улар - қимматлашиб кетаркан!



Пикко ўзига ёрдамчи ёллади ва бойиб кетди. Бироқ ёрдамчига пул тўлабани учун наизаларнинг танинг ҳам ортиб қимматлашди.




- Афсуски шундай! Одамлар меҳнатига нисбатан кўпроқ маош олганларида доим шунаقا бўлади.



- Ўзимни таниширишга ижозат беринг. Мен Лина Айскримман. Бу киши - менинг дадам. Иккинчи Мацуими Банкининг президенти бўладилар. Нима қилиш зарурлигини мен биламан.



- Дадам менга ҳар йили янги туфли олиб беради. Чунки оёғим жуда тез ўсади-да! Агар ўз вақтида каттароқ туфли олиб бермаса...



Агар туфли жуда катта бўлса ҳам яхши эмас. Онамнинг туфлисини кийиб, юриб тургандим. Мана, оқибати!



- Сени тушундим, Лина! Ўсаётган оёқка мос ўлчами туфли зарур бўлганидек, бизни ўсаётган иқтисодиётимизга ҳам мос пул бўлиши керак.





ПУЛ ДЕГАН БҮЛГАН ЭКАН...

- Албатта-да! Пул иқтисодиётга мос бўлиши керак. Бу худди туфли оёққа лойиш бўлиши зарурлигига ўхшайди. Бунинг учун аввало банклар одамларга қарзга кўп-кўп пул беринши тўхтатилиши шарт.



- Мен ечимини топганга ўхшайман. Банк одамларга нақд пулни қанча оз берса, айланмада (оборотда) юрган пул шунча камайди. Биз шу йўл билан инфляцияни енгамиш.



- Сиз ҳақсиз.
Агар

пулларимизнинг бир қисмини олмай банкда қолдирсан ва сакласак, ҳамма иш жойига тушади!

- Бу масалани дарҳол қирол Бумба билан маслаҳатлашиб зарур!

- Бу жуда зўр гоя-ку!



Шу тариқа, Мацумида янги банк пайдо бўлди. У бошқа банклар фаолиятини назорат қиласидиган энг биринчи банк эди. У одамларга пул бермас, бошқа банклар ҳам кўп нақд пул чиқаришига йўл қўймас эди. Уни “Захирабанк” деб атасиди.



Энди банк одамларга қарзга кўп нақд пул бермай қўйди. Одамлар ҳам нарсаларни озроқ харид қиласидиган бўлишиди, озроқ пул ишлатишга ўрганишиди. Шунинг учун нарх-наво ҳам пастлади. Мацумида инфляция чекинди.



- Қарз бериш вақтича тўхтатилди.

Қирол Лина Айскриминг доно маслаҳати учун тақдирлади. Унга “ширинликлар қироличаси” унвонини берди.



Блумми эса Мацумининг иккинчи мадҳиясини ёзди. У асосан эски мадҳияга ўхласа-да, янгича оҳангда эди.



Агар нархлар “пальма”дан ортса,
Пулим куйди, деявер!
Карз берисдан банк бош тортса,
Ўз гамигни еявер!



- Эшигинлар! Аксинча, агар пул ҳаддан ортиқ камайиб кетса-чи? Унда бизнинг “Захирабанк” нима қиласи?



- Сен айнан нозик масалани кўтардинг. Бу ҳақда мадҳиянинг кейинги байти бор:



Охир келгуси сонда.

11

КАЛДЫ

115

12



ҮЙИН МАЙДОНЧАСИ

“ЁШ ИҚТІСОДЧИ” ГА МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-йи, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).

Мулокот учун телефон: (371) 139-49-32, Факс: (371) 139-48-23. Пейджер: (088) 30-13


ЁШ ИҚТІСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI



86-87-сонлар. 3 ноябрь, 1998 иш

СИРЛІ ШАКЛАР

Учбуракларни бүясанғыз расмда нима яширганнин күрасиз.



ШАКЛАРНИ ТҮПЛАНГ



АДАШГАН ПАЙПОҚЛАР

Комила пайпопқарипи ювган эди. Улар ўз жуфтисдан ажралып кетди. Бир хил пайпопқарни топишда Комилага ёрдам беринг.



БАЛИҚ ОВИ

2 та бир хил балиқни топинг.



Хурматли болажонлар, 20-30-йиллар ўзбек адабиёти ва педагогикасининг дарғаларидан бири Элбек бобонгиз, яни Машриқ Юнус ўғлиниң шоирлик, ёзувчилик, журналистик ва педагогик руҳи олами билан сизларни лўнда таништириши лозим топамиз.

Шоир Элбек 1898 йилда Тошкент вилоятининг ўша гўзал Хумсон қишлоғида қашшоқ деҳқон оиласида таваллуд топган эди. У 11-12 ёшлиданоқ тириклик қилини ва ўқиш учун Тошкентга келди. Бу ерда турли бойлар, саҳоватли кишилар хонадонларида яшаб, уларнинг меҳнатларини қилиб ҳурмат топди, сўнгра ўқиди, илм олди.

У педагогика олий ўкув юртини

аъло баҳоларга битирди. Катта педагог ва таниқли шоир ва йирик журналист бўлиб етишиди. Дунёқараши ўзгарди — истибоддага қарши, оқ ва қора империянинг Туркистон меҳнаткашларига ўтказётган зулмига, адолатсизликларига қарши ўзининг шеър ва масалалири, ҳикоя ва публицистик асарларини ёзиди.

Атоқли ўзбек шоири ана шундай шеър ва бошқа асарлари учун Шўро ҳокимияти томонидан, большевиклар фирмаси томонидан «миллатчи», «Шўро душмани», «дин тарафдори» каби рукиларда, исломпараст, туркпараст сифатида 1937 йилда қамоққа олиниб, 1939 илий йўқотиб юборилган эди.

Биз ўзбек болалар адабиётида

ТОНГЮЛДУЗИ

Шоир Элбекнинг 100 йиллигига

масалчиликнинг асосчиси сифатида бу катта шоири қадр қиласми. Бунинг исботланган асоси бор. 20-йилларнинг бошланишида ўз изходида болаларга аталган рамзий кўринишдаги юзга яқин масалларини ёзиб, уларни ўша давр матбуотида изчил чоп эттирган эди. Бу асарларда Элбек яшаган давридаги адолатсизлик, зулм ва истибоддага ўрис босқинчиларининг бераҳмлигига қарши ўз қаҳрини айтишдан кўркиб, агар айтиш мумкин бўлса, уларни конфет янглиғ қозогза ўраб, рамзий бир кўринишда яширин тасвири этишини афзал кўрган эди. Бу нарса болалар руҳиятидан келиб чиқиб ёзилган

ва турли ҳайвонлар, жониворлар тили заминидаги ифода этилди. Аниқроғи, ана шундай нозик туйгулар заминидаги шоир болалар масалчиликни яратди. Бу адабиётда янгилик эди.

Ана шундай шеърлар — масаллар шоирнинг 1921 йилда «Туркпечат» томонидан «Армуғон» номли масаллар тўпламига киритилди.

Шоир биргина болаларга аталган масаллари билан чекланиб қолмади, у болалар ҳаётидан уларга атаб кўплаб қўшиқ, эргак-достонлар ҳам ёзиб қолдирган эди.

Яхиси, атоқли болалар шоири, йирик фольклорчи педагог-олимнинг бизга ёдгор қилиб қол-



дирган достон ва баъзи шеърларидан намуналар ўқий қолинг.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тарих фанлари доктори.

БОТИР ҲЎРОЗЧА

Бўри бир вақт, далаларда
кезиб-кезиб,
Корни тўйғозмоқчун тинмай ов-
қидириб
Бир ердан ҳам ов тополмай
қорни очқоч,
Тинкаларни куриб қаттиқ чарчаб
қолғоч,
Маъюс бўлиб бир томонго
қараб кетди,
Шул кетганча бир қишлоққа
бориб етиди.
Шунда бир оз дамин олиб,
вақт кутуб,
Кечак билан ов овлашни умид этиб
Чидамсизлик билан тунни пойлаб
турди:
Ҳамда унда ҳеч кўринмай жим
ўлтириди.
Мана энди, узоқ бормай тун
ҳам бўлди,
Қишлоқ ичи жим-жит бўлиб
тинчланди.
Секингина одим отлаг бизнинг бўри,
Қишлоқ ичила биринчи гал оралада,
Унда бўлғон оғилларнинг ўшигидан
Бир-бир ўтиб ҳар бирига мўралади.
Бирига ҳам киромагач, бўри ботир,
Бир ўшигни бузмоқ учун бел
боғлади.
Бироқ ўшик қаттиқ беркли
бўлғонликдан,
Сахаргача унласа-да, очномади.
Сахар бўлғоч, шул ҳовлиниг
бир ҳўрози,
Ҳар кундаги одати-ла, бир
қиҷқарди.
Бўри мунинг товушини бир
эшитгач-оқ,
Қаттиқ кўркиб қишлоқ ичдан
чиқиб қочди.
Зеро бўри, шул кунгача ҳеч бир ерда,
Ҳўроз товшини эшитмаган эди бирда.
Шунинг учун ул кўркинчи
бу балодан
Қочиб кетди бир долаго тўқта
масдан,
Лекин бояқши энди унда кўб
очиқди,
Очиқидан қимирлолмай чўзилиб
ётди.
Бу чоқ, буни узоқдан бир тулки кўриб,
Тез-тез чопиб мунинг ёнига
келди етиб.
Бўри буни кўргач, бундан севиниб
кетди,
Ҳеч қолдирмай бўлғон ишини унга
айтди.
Тулки мундан бутун сўзни
эшитиб олғоч,
Воқеанинг нима эканлигин билгач,
Бўрингин бу кўрқанининг буш эканин,
Бундай ботир жониворларни еб
юрганин
Тағсил билан бирин-бирин сўзлаб
ётди.
Бўрингин ҳам тўйғазмоқни вадда этиди.
Бўри мунга унамайин қўрқиб турди,

1922 йил, 12 май.



Элбек

КАМПИРНИНГ ТОВУҚЛАРИ

Денгизга яқин ерда чол ва кампир
Яшардилар бир замонда бўлиб фақир.
Уларнинг тириклиги «ов» овламоқ,
Денгизда турли балиқ тутуб емоқ.
Ҳам шу йўлда ўтар эди турмушлари,
Шундан ўзга ўқуда сира ҳеч ишлари.
Бир куни чол, овдан қаттиқ оғриб қайтди:
Ўйда шу касалдан вақт топди.
Амр айтди, ёлғуз қолиб кўб қийналиди,
Денгизга бориб балиқ овламади.
Шунинг учун ул истади бошқо касб
Энг сўнг шундай ишни тобди ул муносиб.
Бир товуқ топиб шунда боқмоқ,
Уларни кўпайтириб еб ҳам сотмоқ.
Бу иш унга кўб қулоёқ билан бўлди,
Оз кун ичиди беш-олтита товуқ олди.
Уларни кўпайтириб ўрчитмоқ чун,
Бир музукдан анча кашта тухум олди.
Ул тухумлар товуқ тухуми эмас эди.
Кампир муни сира-сира сезмас эди.
Ўрнига ҳалиги тухумларни қўйди:
Ҳам тез кунда чиқодир деб кўб суноди.
Товуқлар ҳам тез кун ичра бола оиди.
Лекин болалари сувга қараб қочди.
Оналари сув бўйида термулишиб
Бир ишида ишлолмайин югуршишиб.
Ёлғиз: «қувоқ-ку-ку-қувоқ» билан қолди:
Улар бўлса ўз ерларин топиб олди.

ИККИ ТУЛКИ

Бор эди бир замонда икки тулки,
Ҳар иккисининг турмуши икки турли.
Бири ҳар кун тўқойлишқо омон кетиб,
Қойтарди шакар қамиши суреб-суреб.

Иккичиси овлар эди боқчаларни,
Борди ундан ўғрилаб кўб елимларни.
Бир кунлар ийл устида кўришидилар,
Бир-бираидан ҳол-аҳвол сўришидилар.

Ҳар иккиси ўз турмушини сўзлаб ўтди:
Бир кўб сўзлар бу орада бўлиб кетди.
Сўз ичиди ўғри тулки ўз турмушин
Кўб мақтади унда еган бор емишин.

Гўё унинг айтишича боғ емиши,
Ҳеч эмгаксиз бутун унинг қўлида эди.
Бу сўзларга у тулкининг ақли шоиди,
Тўхтамади, улда ишидан оғиз очди.

Ўз ишининг эмгаксиз ҳеч бўлмоғони,
Эмгак билан қорни сира тўймоғони.

Айтди, қўймай барчасини куюб-ёниб,
Ўғри тулки тинглаб турди, қулоқ солиб.

Мундан сўнгда менинг ила бирга юргил,
Қорнинг тўюшин ҳам бир оз ўйнаб кулгил!.
Деб ул тулки, ўзи ила олиб кетди,
Узоқ юрмай бир емишили боқча етиди.

Ҳар иккиси боғ ичига киришидилар:
Боғда бўлғон емишлардан емишидилар.
Шул чоғ боғбон улардан тез хабар топди,
«Хой-хой!» билан була томон қораб чопди.

Ўғри тулки тез-тезгина тўғри ўйлдан
Шошибгина билдиришасдан чиқиб қочди,
Ҳалиги тулки ўйл билмайин тутулиб қолди:
Қўрқанидан титраб қақшаб вой-войлади.

Мунинг товушини эшитгач, ул ўғри тулки,
Қаттиқ товуш билан чақириб муни деди:
«Энди қачон кўришамиз, ҳам қайси ерда?»
Иккичиси жавоб берди, ўйглабгина:
Эрта билан кўришамиз, сизни бозорда».

Офтоб чиқди оламга,
Югуриб бордим холамга
Холам чўпчак тер — деди —
Олиб келиб бер, — деди.

Чўпчак тердим бир кучоқ,
Нон ёпти ўчоқ-ўчоқ.
Ўлига берди бир кулча,
Менга берди бир парча.

Офтоб чиқди оламга,
Югуриб бордим дадамга.
Дадам биттанга берди.
Бувим чаккамга урди.



ТЕПДИМ САНДИК ОЧИЛДИ

Тепдим сандик очилди.
Ерга бодом сочилиди.
У бодомни терегунча
Қанотларим қайрилди.
Қанотларим тарайин,
Остонанга борайин.
Остонанги оқ тоши
Янгамнинг қалам қоши.
Янгамсану янгамсан,
Кўйлак бичиши билмайсан.
Кўйлагингни кўтариб
Хон олдига борасан.

Хон олдида оғам бор,
Оғамнинг оти Али,
Чинғир тепадан нари.
Чинғир тепа қизлари
Писта чақар тишлари.

Ари-ари ангори,
Этиклини зангори.
Оқ этиклини ағдариб босган,
Кўк этиклини кўндаланг босган
Мўлла фалончига салом.



Ўзбекистон радиосининг «Болалар ва ўсмиirlар» бош муҳарририятида, бугунги кунда бу муҳарририят «Маориф ва тарбия» деб номланадиган жамоада хизмат қилган пайтларимни бир умр унугтолмайман. Биз таникли санъаткорларнинг, севимли шоирларнинг, атоқли бастакорларнинг, хуллас, болалар қўнглида ўша инсоннинг ўхшашни ҳавас қилган одамларни студияга чақириб болаликлари ҳақида эшитишилар тайёрлар эдик. Айникиса «Бор экан-да, йўқ экан» эшитишининг бошловчилари биз билан яқин булиб кетишган эди. Мархум, Ўзбекистон ҳалқ артисти Жўра Тоғиев, Мариям Ёкубова, Икрома Болтаева... Улар болаларга аталган эртакларни жонудиллари билан ўқишиар, ҳар бир сўзга маъсулият билан ёндошар эдилар.

Бир куни муҳарририятида тушлик қилиб ўтиргандик, хонага Икрома Болтаева кириб келдилар. Саломлашиб даврамизга ўтказдик. Улар жуда хушчақақ, одамшиванда эканлар.

— Икрома ая, — дедим чой узата туриб, — жуда вақтида келибсиз-да...

— Ҳа, жоним, — дедилар савол назари билан.

Икрома ая сўзларига «жоним» сузини қўшиб ишлатар эдилар.

— Энди ўйингизга бормоқчи эдим, болалар ёшлилк пайтларингиз билан қизишишояти.

Икрома ая қўзларида қувонч порлади. Бир нима демоқчи бўлгандай оғиз жуфтладилар-у бир хўрсндишлар.

— Эй, болалик оловли пайт саналар экан, синглим. Унинг ҳар бир лаҳзаси юрагингда сакланар экан. Эслашсак гап кўп.

— Ана шуларни бир эслашмиз-да энди...

— Қачон?

— Иложи бўлса бугун...

— Йўқ, Ҳафизахон, бугун мен «Бор экан-да, йўқ экан» эртак ўқигани келганиман, кейин театрга боришим керак. Яхшиси болалигим ҳақида бафуржа вақт тошиб гаплашсан. Майлими?

— Майли! Фақат жуда кечикиб кетмасин, илтимос.

Орадан кунлар ўтди. Икрома Болтаеванинг болаликларини қачон ёзиб олар эканман деб ошикардим. Бир куни қўнгироқлашиб хона-донларига бордим. Улар марказ 13-да, ҳозири «Турон» меҳмонхонасининг ённаги уйнинг 2-қаватидаги яшар эканлар. Эшик қўнгирогини босдим.

син, қани нонга қаранг, энди бизни бўлди.

Икрома Болтаева билан ўтирибману, хаёлим олис-олисларда... Бунчама камтар ва хокисор бўлмасалар. Уйда юришларини кўриб ҳеч ким таникли артист демайди. Эгниларидаги оддиги ўзбекча кўйлак, бошларида рўмол.

— Биз қайси касбда ишламайлик, ўз урф-одатимизни, миллийлиги-

— Яхшиси бундай қилсан, эртага якшанба, сен ва ўртоқларингни туплаб ҳар бирингга 100 тадан игна қадалган лента берамиш. Бўйниларингга кичкина кутича осиб ола-сизлар-да бозор ичидаги юрасизлар, агар бозорда қўнгилларингизга учраган одам учраб қолса, дарров лентани қадаб қўясизлар. Шунда ўдан одам кутичангизга пул ташлаши керак. Тўпланган пулларни етим

ИКРОМА БОЛТАЕВА

— Кираверинг Ҳафизахон!, — деган жарангли товуш эшитилди ичкаридан. Эшик очиқ экан кирдим. Икрома ая меҳрибонлик билан кутиб олдилар. Айланиб-ургилиб меҳмонхона олиб кирдилар.

Кўп вақтингизни олмайман, афшишадан кўрдим, бугун ҳам спектаклингиз бор экан. Шунга тезроқ гаплашақолсак дегандим.

— Бунақаси кетмайди синглим. «Меҳмон келади ўз иҳтиёри билан, кутизат мезбонинг хоши билан бўллади». Иш қочмас. Аввал бир пиёла чой ичиб олайлик.

Икрома ая тез-тез юриб ошхонага чиқиб кетдилар. Безатилган дастурхонга қараб ҳавасим келди. Стол устидаги ширинликлар, мурраболар ҳаммаси дид билан бе-залган. Паҳта гулли півлалар тунтарилиб устида пардек тоза дазмопланган сочиқ ёпилган. Шинам безатилган уйда ортиқча буюм йўқ. Шу вақт кўзим китоб жавонини тўлдириб турган китобларга тушди. Ўрнимдан туриб жавонга яқинлашдим. Сараланган бадий китоблар орасида кўзим пазанда Карим Маҳмудовнинг «Меҳмоннома» сига тушди.

— Қани, келинг, сингилжон, сизни кутиб тамадди ҳам қилмагандими.

Ая тавозе билан чой қўйиб узатдилар, бозор нонидан олиб борган эдим синдириб олдимга кўйдилар.

— Нон олиб келмасангиз уйга киргизмасдим-а сингилжон... Майли юзингиз шу нондай иссиқ бўл-

мизни унутмаслигимиз керак. Чунки, замон ўзгараверади. Ўзлигимиз билсан қадр топаверамиз, — дедилар кўнглимдан ўтган сўзни билгандек. Шу куни мен аянни янам кўпроқ яхши кўриб қолдим. Шу улар орамизда йўқ. Лекин, ёшлиқда шишаотли, тиришқоқ бўлган қизининг хотиралари кулогим остида жаранглайверади.

Бир пиёла чой устида болаликларини гапириб бердилар. Мен Қашқадарр вилоятининг Китоб туманида дехон оиласида туғилиб ўздим. Дадам Зоид ака иморат устаси, аям Иқболхон уй бекаси эдилар. Биз яшайдиган маҳалланинг номи Қўшири, эди. Кўп ўтмай дадам вафот этиб, онам аямларни бошка кишига турмушга бериб юбордилар. Бева хотинлар уйда ўтисра гап кўпаяр эмиши. Укам тогам билан қолди. Мени эса «нажот» мактабига ўқишига беришиди. У интернат-мактаби эди.

1928 йил. Нотинчлик, ҳамма ёқда босмачи-босмачи деган гаплар. Шундан пайтда бизнинг «Нажот» мактабимизга жуда кўп етим болаларни олиб кетишиди. Биз уларни овутардик, кичкиналарини кўтарардик. Хуллас оналик қилардик.

Үн икки, ўн уч ёшлардаман, бир куни мени мактабимиз бошлиги чақириб қолдилар!

— Икрома, кўярсан, кундан кун етим болалар сони ортапти. Буларга қандай қилиб ёрдам берамиш?

— Билмасам, нима қилай, овуби турибимиз-ку.

болаларга сарфлаймиз. Мен «яши» дедим-у, бу гапни тезда ўртоқларимга айтдим. Биз эртаси куни бозорга чиқиш учун тараддуд кўрдик.

Баҳор пайти эди, ёмғир шивалаб ёғиб турибди. Бир тўп болалар кучага чиқдик. Бўйнимизда ленточка. Бозор айланаб анча юрдик. Бирвақт қарасам эгнига чакмон, бошига теллак кийган бир нуроний киши келяптилар. «Бадавлат бўлсалар керак» дедим-у, югуриб бориб чакмонларига ленточкини қадаб қўяшни силадилар.

— Вой нимага бошимни си-лайсиз? Үндан кўра мана бу кутичага пул ташланг, етим болаларга берамиш, — дедим юлкиниб.

Шунда ҳалига одам мени эркаб қани юр-чи деб бозор ўртасига олиб чиқдилар. Орқамиздан оламон эргашди. Кўркиб кетдим. Бозорнинг ўртасига бориб етганимиздан кейин «Бой киши» тұхтадар. Кейин оламонга қарағ:

— Бугун бозордаги ўғил-қизларни Қарши шахридаги интернатга олиб кетамиш. Бунинг учун аввал бир яхшилаб ўйнинг тушиб беришингиз керак, — дедилар ҳазиллашиб ва қани ким ўйнинг тушади, — дедилар.

Ўйнамасам олиб кетишмайди деб, мен ҳам роса рақсга тушибман денг, кейинроқ билсам мен лента тақдан одам Йўлдош Охунбоев эканлар. Бундан ўзимда йўқ

Ҳамиша ўйғоқ хотира

хурсанд эдим. Орадан иккى кун ўтиб бозор майдонига жуда кўп болалар тўпланди, ҳаммамиши поездга ўтказиб Қаршига олиб кетишиди. Шундай қилиб мен интернатда ўқий бошладим. Концертлар қўйдик, интернат яхнидаги маҳаллаларга бориб хотинизларга савод ўргатдик. Мен ёшлиқдан ҳам санъатни, ҳам ўқитувчи бўлишни ҳавас қилардим.

Эсимда бор, кичкина болалан-у, ёш-ёш болаларга ўзимча дарс бергаётгандай булиб баҳо-лар ҳам қўйганман. Шунинг учун «Нажот» мактабини битиргач педагогика техникумiga кирдим. Аввал техникумнинг тайёрлов гурухида ўқидим. Техникумизда кўк кўйлак труппаси бор эди. Ана шунга ёзилиб, концертларда иштирок этдим. Хуллас бора-бора ҳам санъатни, ҳам ўқитувчиликни яхши кўриб қолдим. «Лохутий» номидаги театр техникумiga ўқишига кирдим. Домлаларим Ўйғур оға, Етим Бобохонов, Абров Хидоятов, Саъдихон Табибуллаевини ҳамиша хурмат билан ёдга оламан. Улар мени санъатнинг сеҳрли олами билан танишишишган. Тақдирим Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри билан боғланган экан, бундан ниҳоятда хурсандман, деб сўзларини якунладилар Икрома ая.

Ҳа, театр саҳнасида жуда кўп роллар ижро этган, кинода эсада қоларли образлар яратиб, каттап-ю кичикнинг меҳрини қозонган Ўзбекистон ҳалқ артистаси Ҳамза номидаги Республика Давлат Мукофотининг лауреати Икрома Болтаеванинг ўшукин болалиги хотиралари ўшук-сингилларимга ҳам ибрат бўларлидир. Кимки бир касбни астойидил севса, ҳаракат қилса, у албатта мақсадига етади.

Ҳафизахон ҲАЙИТМЕТОВА.



«Ойнаш жаҳон» — болаларга



СЕШАНБА, 3 НОЯБРЬ

Ўз.ТВ.1

9.20 Ч. Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган Олапар». Видеофильм. 1-кисм.

10.05 Янги алифбони ўрганиши.

11.55 «Олимпиадачилар орамизда» спорт дастури.

12.30 Кундузги сеанс. «Париларнинг кузги совғаси». Бадий фильм.

13.40 «Шоирлар — болаларга».

18.10 Болалар учун. «Қўшигим, жон қўшигим».

18.45 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Султонлик машаққати». 2-кисм.

20.10 «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ.2

18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. «Ўй вазифаси», «Мульттомоша».

Ўз.ТВ.3

18.30 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».

Ўз.ТВ.4

16.50 «Мультсайёра».

20.45 «Хайрли тун, кичкин-тойлар».

ЧОРШАНБА, 4 НОЯБРЬ

Ўз.ТВ.1

8.50 «Мураббий» спорт дастури.

9.05 «Озод ва обод юрг».

9.20 Ч. Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган Олапар». Видеофильм. 2-кисм.

10.30 Алифбо сабоқлари.

11.00 «Акс садо».

12.05 «Трям салом». Мультфильм.

12.15 «Мактублар — кабутарлар».

12.45 Кундузги сеанс. «Қуошибондан чиққанда». Бадий фильм.

18.10 Болалар учун. «Умид учунлар».

19.05 Жалолиддин Мангуберди. «Тақдир сўзмоклари». 3-кисм.

20.10 «Оқшом эртаклари».

22.00 Ч. Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган Олапар». Видеофильм.

18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. «Ўйнаш жаҳон».

18.10 «Ерилтош». Мульттуплам.

18.50 Мультсайёра.

БИР, ИККИ, ҮЧ...

Ассалому алайкум қадрли, «Тонг юлдузи». Мен сенинг «Кунлардан бир күн» деб номланган рукининг уқири эканман, мәнга аяжоним айттиб берган бир воқеани сенга өзиб юборишга ахд қилдим. Ҳали аяжоним кичкина мен тениң қизалоқ булган пайтларида Уткыр тогам билан бирга Бекободга меҳмонга келибдилар. Бир пайт ухлаб етсалар, ярим кечаси бирор «Турсуной, ҳо Турсуной», — деб чақираётганиши. Овоз жудаям таниш, худди дадаларининг, яни бобомнинг овозларига ухшаб кетаркан. Аям дадам булсалар керак дебдилар-ла, ташқарига отилиб чиқибдилар. Чиқсалар ҳеч ким йўқ. Лекин узоқдан яна уша овозни эшишибдилар. Ва овоз келган томонга қараб бораверибдилар. Аям юрганлари сайн овоз узоқлашар, тұхтаб қолышлари ҳамонояна баландва яқиндан эшитиларкан. Бир вақт овоз тиниб, умуман эшитилмай қолибди. Аям қарасалар шундок оёқлари остида бир тұда қора-кура құрқинчли маҳұлқтар чироқни бир еқиб, бир учирив уйин қилаётганиши. Бұхолдан құрқиб кетган аяжоним уша захоти ҳушларидан кетибдилар... Эртасига эрталаб аямни излайвериб-излайвериб қарчаган холам ва Уткыр тогам у кишини анча олисадаги бир тепаликнинг енида бехуш оғизлари қийшайиб еттан ҳолда топибдилар. Уша овозга адданған аям уйдан росаям узоклаб чул томонга кетиб қолған эканлар, зудлык билан аямни Құқонта олиб келишибди ва Гишти мачитдаги катта домлага күрсатишебди. Уни домла: «Жин чалиби, ажиначироққа йулиқиби, энди 40 күн чироқ еқиб үқисла шундаги на оғзи асл ҳолига қайтади», — дебди. «Шу-шу ҳеч қақон бирор 3 марта қақирмагунча кечаси тутул кундузи бұлсаям «ҳа» деб чиқмайдиган бүлдім. Тузалпунча торған азобларимни уйласам, ҳозир ҳам лабимга учук тошиб кетади. Эх-хе, кечалари шунақа алахсираб чиқардым. Ойим бечора эрталабгача ухламай башимда утириб чиқар эдилар», — деся құрқинч билан эслайдилар аям бечора уша кунларни. Менга ҳам, Насиба опам ва Мухайе опамга ҳам доим бирор 3 марта қақирмагунча ҳа деманглар, деб доим тайинлайдилар. Яқинда уйимизга Тошкентдан мәжмон келди. У ярим кечаси келганилиги учун ҳам қанча қақирмасин баривири ҳеч қайсимиз чиқмадик. Чунки уйда ҳамма кичкиналар бор эди-да. Умиджон, Уткыр тогам ва ойим Бекободга кетишгап эди. Бечора мәжмон амаки кутавериб қарчаб охир кетиб қолибди. Начора, «сұтдан оғзи күйтган, қатиқни ҳам пүфлаб ичар», — деб шуни айтишади-да...

Гулчехра
МАМАЖНОВА,
Күкөн шахридаги
Джин Умарий номлы 3-
үртә мактаб ўкувчisi.



Бир күн аям, мен, Озодбек уча-ламиз Гузорға бобомларниң бор-дик. Бобомларниң үйларидан кейин катта даштлик бошланади. Мазза қилемиз-да үзиям. Мен, укам ва Озодбек тогамларниң болалари кечгача даштликда қарчаб үтириб қолтунча үйнаймиз. Ҳаммомпиш дейсизми, күвламақоқ дейсизми ишқилиб үйин дегани борки, ҳеч қайсисини хафа қылмаймиз. Яхшида, Тошкентда бұлсақ зерикіб кеттанимиздан нима қилемиз билмай юрадык. Қолаверса ойим ҳам «Хаёт кучага чиқма, Хаёт болалар билан урушма, Хаёт үйни йигиштири» — деб тергайвериб, тергайве-риб жонимдан түйдирив юборардилар. Үзи-ку ойимни жудаям-жу-даям яхши күраман, лекин жудаям күп урушадилар-да. Ҳа, айтмоқчи шундай қылғы, бир күни яшири-мачоқ үйнадык, мен даштликнинг күн ботар томонидаги чупонларниң эски үйига яшириндим. Бу ер ҳеч кимнинг қағылыша келмаган-лиги учун ҳеч ким мени бу ердан изламади. Үтиравериб зерикіб кетдим. Бир пайт қарасам, қорон-гу тушағын. Үзим чиқай десам ютқазиб қыйған буламан, керак булса үзләри топиб олишсан, дедим-да үтиравердим. Лекин бола-

лар мени уйга кеттән деб үйлашди өгі үйга жунавориши, чунки уларниң бақыр-чақириги тинган эди. Мен ҳам аламидан ҳозир бориб ҳаммасининг бошига мушт-

ҚОРА



лайман, деганимча энди яшири-гандың өримдан чиққан әдим ҳамки, бир чироқтың қызыннан менга қараб кулиб турғанини құрдым. Қыз шу кадар гузал әдикі, сочлары құнғи-роқ-құнғи-роқ, узун, кийимларидан нур тарапарды, айниқса буйни-даги оқ мүнчоги шунчалық ялти-роқлигидан аксингиз күрина, нур таратып өнарди. Башыда күббали, зарзузы дүни. Мен умримда ҳали бунақа чироқтың қызын күрмаган-дым. Шунинг учун унинг олдига боргим, бейхиқиер у билан гаплаш-

гим келди. Ва у томонға қараб юра бошладым. У чироқтың құрғанча мендан қоча бошлады. Мен эса уни қувиб кетдим. Бир пайт қарасам, уни қувиб анча жойта бориб қолибман. Қоронту тушиб бүлған, қызыннан бүйнідеги мұнчоқ ҳамон ениб күзимни оларди. Қыз томонға қараптаман күзләр «Кел, кел» дегендай имлаб турарди. Мен бар-

мирлагудек бұлсам, ҳалиғи қизни бошқа күрмай қоламан деб күрқардым. Шунда ойим ҳалласлаганча етиб келиб, «Узи қунглим сезувди-я, нима жин чалған одамга үхшаб бийдай дағалыннан үртасыда қаққайып турибсан, бул тез, юрақол деяпман сенга, уйға юр», деганча мени уруша бошладилар. «Йүқ, ойи кетмайман, ана-ву қызын күрғим келянты, жудаям, кетмайлик», — деб йигладым. Ойим ҳайрон бұлиб «Ие, қанақа қиз», — дедилар, ажабла-ниб. Мен ҳали қурғанларимни айтти бердим. Шунда ойим мени етаклаганча индамай Құшноч момонин шуларига олиб бордилар. Момо бүлған воқеаларни эшиштат: «Норбибижон, қызыннан уша қызынни бир күрши кепрак, бұлмаса касал булиб қолади. Ичикиби қызыннан, — энди битта әчки топинглар, узи қоп-қора, бүйніда мұнчоққа үхшаган оқи бұлсін. Агар әчкини сүйіб ҳалиғи қызыннан күлидаги қолған жүнни қонига теккисе әчкиниң қузыда уша қызыннан бүйи-басты күрнәнди, қызыннан үхшаган қонига тәртіп атқарып, қызыннан үхшаган «Мә, мә» деган ғалати маъра-ши эшитилиди. Ҳалиғи қызыннан барини үшшаган құлымда бир ту-там қора жун қолди. Атроғимға қараб құрқұвдан юрагим дағ-дағ қалтираб кетди. Кенг дашт, қоп-коронға, үйдан анча үзоклаб кет-ғанман, бир томондан йиглагим келса, бир томондан ҳалиғи қызын күрғим келарди. Шунда уй томондан ойимнинг «Хаёт қызы, Хаёт» деб чақириларини эши-дим. Нимагадир, турған жойимдан жилгим келмасди. Агар қи-

Менга бу воқеани бувижоним айтти берган әдилар. Кунлардан бир күн бувим, дугоналары билан ишдан қоюб дарё бүйига бориб, гаплашиб үтирибдилар. Күн боттач иккөвләри ҳам орта қайтибдилар. Йүлда келаётсалар дарё томондан «Бахшанда, ҳо Бахшанда» деган йүғон овоз келиби. Бувим орқаларига қарасалар ҳеч ким йўқ, овоз дарёдан келаётганиши. Бу ҳол ҳар күни тақрорланар экан. Үнда бувижоним ёшгина қизалоқ бўлиб, Зумрад ўртоқлари ва ўзлари ҳар күн күешининг ботишини дарё лабидан туриб томоша қилемини жудаям яхши күрар эканлар. Ва ҳар күни қайтаётсалар яна дарёдаги овоз «Бахшанда, ҳо Бахшанда» деб чақиришини қўймасмиш. Қўрқиб кеттаги бувижоним аяларига айтти берибдилар, шунда аяларига бувижонимни олиб қишлоқдаги эшон бобоникига бориб бу ҳолнинг сабабини сўрасалар, эшон бобо «Эй, Бахшанда қызим, Худо сени ўзи асрарди. Яхшияны болалик қылғыб қишиғиб бормабсан, агар борғанинда дарёга оқиб кетардинг. Ўзи күн боттаандан кейин ҳеч қақон дарёниң лабига бормаслик керак, сув парилари одамни алдаб чақиради. Чунки, баҳор ва тирамо, яни қуз пайтида дарёдаги сув париларниң қонсиралан вақти бўлади. Яхшики, Худойим сени ўзи



асрабди. Бундан етти йил олдин Баширжон деган йигит бўларди. Бир күни у күн ботар вактида гапдан қайтаётса дарёдан бир овоз эшитилиди, яқинроқ келиб қараса ҳеч ким йўгу, лекин дарёдан «Башир эй, Башир» деган таҳликали овоз кучайгаңдан кучайиб эшитиларди. Башир бирор чўқайяни шекили, деб ўйлаб, ўзини жон жаҳди билан қирғоқда олиб, ёрдам берини ниятида кўл чўса, дарёдан бир катта қўл чиқиб унинг бўйнидан маҳкам тортиб сувга олиб кетиби. Узоқдан эшак миниб келаётгандан Марди бобо уни кўриб қолибди-ю лекин, ёрдамга етиб келолмабди. Агар Башир ўша пайт, ҳеч бўлмаса калима қайтаргандага ҳам омон қолармида балки, ҳалим, худога бир деганинг бор экан-а, Бахшанда қызим бормабсан. Энди келин ўйнингизга бориб, ўтган авоқларнинг руҳига бир ис қилингда, етти қўшинига тарқатинг, кейин бир яхши қорини чақиринг-да, Куръон тиловат қўлдиринг, — деб тайинлабдилар. Мен бувижонимдан бу воқеани эшигтанимдан бўён ҳеч ҳам қечқурун дарё бўйига бормайдиган бўлдим. Бувижо тим бечора «Санжар бачам, кечаси ариқларнинг бўйида асло ўйнана у парилар ёмон, ариқда ҳам бўлиши мумкин, барни-барни ҳаммаси ҳам сувда», — дейдилар, соддалик билан. Ана шунақа кези келса сувдан ҳам, ўтдан ҳам кўркиш керак экан...

Санжар РАХИМОВ. Бухоро шахридаги 3-мактабнинг 7-сinf ўкувчisi.

Үзингизга маълумки баҳорда қишлоқдагиларипак курти бокишиади. Бир күни Мухтор ака деган бир киши пилла қуртларига тут барги кесиш учун да-рахтга чиқиб барг кесаётсалар пастдан оппоқ қийин-ган нуроний бир чол «Секинроқ-а, болам бошимга шохлари тушиб кетай дейди-я» — дебди. Шунда Мухтор ака пастга қараб «Айланиб ўтсангиз ҳам ўлмайсиз бобой бошқа йўл қуриғанми» деб беларвонлик билан жавоб берган экан, яна олдингидан ҳам шиддат билан тасира-тусур барг қирқа бошлабди. «Ҳа, бола-линг заҳарли ҳаридан лекин

ХИЗРИННИ КЎРГАН БОРМИ? ма, ти-
лоннинг за-
ҳам аччиқ экан-а,
эҳтиёт бўлнасибанг қир-
қилган экан бу дунёдан», деб-
ганича чол йўлида давом этиби. Буни эшигтган Мухтораканинг дилига бир-
дан гул-гула тушиб, тутдан пастга сакраб чол-
нинг орқасидан қувиб кетибдилар. Ажабки ҳудди ерга кирғандай ё осмонга учгандай чол ҳеч ерда йўқ, гойиб бўлғанниш. Бундан таажжубга тушган Мухтор амаки бу воқеани ўйдагиларга ҳам бошқаларга ҳам айтиб бериди. Буни қарангки орадан 40 кунлар чамаси ўтгач Мухтор амаки автомобиль ҳалокатига учраб оламдан ўтдилар. Ҳамманинг оғзида шов-шув, ўша чол демак Хизр бўлган, бошқа ҳеч нарса эмас...

Нўймонжон МЕҲМОНОВ,
Бухоро вилояти, Жондор туманидаги
20-ўрта мактабнинг 6-синф ўкувчisi.

ОТКРЫТИЕ

«Кайга борсам, бошда
дүпнім.
Фоз юрарман гердайиб...»;

деб куйлаб юраркан доимо-
ушбу эртагимиз қаҳрамони.
Эртак ҳам унинг дүпписи,
аникроги дүппи ҳақида. Дүп-
пи — биз узбекларнинг бош-
қа халқларникидан бутунлай
фарқ қилувчи ажойиб бош
кийими эканини биласиз. Ле-
кин шу битта дүппининг бир
нече бор эканини биласиз-
ми? Ростини айтсан мен ҳам
унчалик билмасдим (фақат
буни, яъни билмаслигимни
ҳеч ким билмасин хўп?) Хул-
лас Корея диёрида бўлган
«Узбекистон маданияти» ке-
часида бизбеш киши бешхил
дүппи кийиб чиқибмиз. Сар-

Ранг Бараж

Дүпнішлар куриш

дор фаргонача дүппи, Фар-
рух — наманганча яшил дүп-

Тўққизинчи эртак

пи, Зафар — самарқандча чу-
кур қора дүппи. Мен — зар
дүппи, Санамхон эса оқ каш-
талик дүппи кийиб чиқдик.
Аввалига ҳаммасиям дүппи-
да деб аҳамият бермадик. Ле-

кин сал ўтиб ҳар хил мамла-
катлар келган дўстларимиз-
нинг саволларидан ўзимизга
келдик ва билганимизча ту-
шунтирдик.

берсам у, «Йўқ биласанми
мен қора рангни ёқтири-
майман», — дейди.

Аниқ булишича, уҳам бош-
қалар қатори дўшини худди
кўйлак танлагандек, рангига
қараб кийилаверадиган дои-
мий бош кийим деб ҳисоб-
ларкан.

Зар дўппи — қизларники
эканлигини билиб, дўстлар-
нинг сингил кўлгусига қолган

осонликча кўйиб юбормас-
лигини билгач, унга му-
лойим овозда:

— Демак, чумчуқни кўйиб
юбориш ниятинг йўқ, шун-

Хаммадан қизиги — кеча
охирида барчалари дўпніла-
римизни кийиб бизлар билан
расмга туша бошлаганда бўл-
ди. Макаолик Нелсон деган
йигит, энг чиройлisisini кий-
иб расмга тушиш учун мени-
нинг зар дўпнини сўраб кел-
ди. Мен унга бошқа дўппи

— Мен... Мен уни укан-
гизга олиб борасизми, деб
йўлабман, — деди юзлари
қизариб.

Менинг укаларим ундей



ножӯя ишларни қилиш-
майди, — деди Акбар

қатъий. Энди бола мулзам-
ликдан ўзини кўярга жой
тополмай қолди. У хушини
йиғиб олиб, «пулингизни
олинг» деганида Акбар ал-
лақачон кетиб бўлган эди.
Боланинг миясига бир фи-
кр келди.

«Ҳадемай қиши келади.
Қушлар совуқда қолмас-
ликлари учун уларга ин
ясайман, уйда фанер бор,
бу пулга дўкондан мих ола-
ман-да, ишни бошлайман».
Ўзининг фикридан ўзи ку-
вониб кетган бола вақтни
ғанимат билди-да, чопқил-
лаганча югуриб кетди.

Шоҳида СОЛИЕВА,
Андижон вилояти,
Андижон туманинаги
42-урта мактаб
ўкувчиси.

ЖАҲОНГАШТА ВЕЛОСИПЕДЧИ- НИНГ ЎГЛИ

Мен Тошкент шаҳрининг Сир-
гали туманинаги Хабибий маҳала-
сида яшайман. Маҳалламидан ма-
тонатли сайёҳ чиқалигигини куп-
чилик тенгдошларим билишимаса
керак. У киши меҳнат фахрий-
истеъфодаги капитан Мурод Қоси-
мов буладилар.

Мурод амаки шу йилнинг 2
сентябрида мамлакатимиз муста-
қилигининг 7 йилигини кенг
нишонлангаётган кунда велосипед-
да дунё бўйлаб сафарга жўнаб кет-
дилар. Роппа-rossa 3 йил давом
этадиган бу сафар келажаги буюк
Узбекистонимизнинг 10 йиллик
юбилейига бағишиланган булиб, на-
сиб этса 2001 йилнинг 1 сентябрини
пойтахтимизнинг мустақиллик
майдонида сайёҳ дунёнинг 25
мамлакатида булади.

Мурод амаки уз Ватани —
Узбекистон худудидан ўтиб Тур-
кистон, Озарбайжон, Арманистон
ва Туркия мамлакатларига сафар
қилди. Энди Араб давлатлари
бўйлаб сафарни давом эттироқ-
мокда.



Шу уринда мен сайёҳнинг ои-
ласи ҳақида, аникроги унинг кен-
жа ўгли Азamat тұғрисида сұз юрит-
моқчыман. Ислами — жисмита мона-
нд бола. Саккиз ёнда, маҳаллами-
даги 322-мактабнинг 2-синфида
укиди. Яхши ҳулқи, ибратли оло-
би билан бошқа болалардан ажра-
либ туради. Ниҳоятда дилкаш ва
самимий. Болалар билан тезда тил
тогишиб кетади. Узидан катталар-
ни курмат қиласи. Ҳаммага бирин-
чи булиб салом берди унинг ода-
ти. Мугомбирлик ёт унга. Мактаб-
да яхши баҳоларга уқиши билан
бирга жамоа ишларда фаол қатна-
шиди. Санъатни севади. Шу боис
мактабда уқиши билан мусиқа би-
лим юргига ҳам қатнайди. Спор-
тга иштіеки зўрлигини айтмайсиз-
ми? Ҳар куни эрталаб бадан тар-
бияни кандай қўлмайди. Адаси уйда-
лии пайтида у билан наҳорда ва
кечаси ётишдан олдин ёнимиздаги
анҳорда бирга мунтазам чумилиш-
шар эди. Ҳозир эса муззид душ-
қабул қилишни оdat қилиб олган.
Унинг бундай хислат-фазилатлари
худди Мурод амакинига ухшаб
кетади. Сайёҳ ҳам сплигидан спо-
ртга, санъатта қизиқдан эканлар.

Шу боис булса керак, маҳал-
лиздагилар «Азamat «ота-үгил» деб
кўйишиди. Азamat билан учрашиб,
«Адангинг сайёҳ булишига муно-
сабатини қандай ва узинг келгуси-
да ким булмоқчисан?», — деда бер-
ган саволимизга у, «аввало адам
билан фархланаман, қолаверса мен
ҳам адамнинг изидан бориб, сайёҳ
бурсам ажаб эмас!» деб жавоб бер-
ди.

Яхши ниятинг йўлдошинг бул-
син, Азamat!

Элнора САЪДУЛЛАЕВА,
Яккасарой туманинаги 26-
мактабнинг 11-синф
ўкувчиси.

ОЛАМНИ АСРАЁТГАН ҚИЗЧА

да ҳеч қандай шубҳа қол-
мади.

Ушбу кўрик-анжуман-
да Сулола Холиқбердие-
вага омад кулиб бокди.
Унинг «Қорабулоқ дара-
си табиатини кўриқлаш-
ва ундаги табиат бойлик-
ларидан фойдаланиш»
мавзусидаги иши ва чи-
қишиларига ҳакамлар
ҳайъати фахрли бирин-
чи ўринни беришди.

Танлов якунида мен
улкан ютуқлари билан
табриклаб уни сухбатга
тортдим.

Эндиғина 13 баҳорни
каршилаган, ёқим-
тойгина қишлоқ қизи
бошчилигига мактабда
«Яшил назоратчи»лар гу-
рухи ташкил этилиди.

Ўкувчи ёшлар она табиат-
ни кўриқлашни ўз зим-
маларига олишиди, маҳ-
сус режа тузилиб «Қора-
булоқ дараси»ни табиа-
тини кўриқлаш ҳарита-
сини тузиб чиқилди...

Сулоланинг айтганла-
рини берилиб тингла-
дим. Қалбимда қан-
дайдир иликлиқ пайдо
бўлгандай бўлди. Қа-
нийди, жонажон Ўзбе-
кистонимизнинг барча
гўшаларида ҳам «Оlam-
ни асрар иши»га бирдек
киришсак эдия! Ўшандা
қанчалар савобли ишлар
амалга ошириларди...

Абдували ОБИДДИН,
«Маърифат» газетасининг
маҳсус мухбири.



Табиат-онамиз. У —
бизнинг бору йўғимиз,
очу тўқимиз. Уни озода
ва тоза тутмоқ, ҳар қан-
дай хафв-хатардан қиз-
ганиб асрамоқ биз та-
биат фарзандларининг
муқаддас бурчимиздир.

Сулоланинг кўксидаги
тиним билмай уриб тур-
ган жажжики юракчасида
она табиатга меҳр-му-
хабbat ҳисси кат-қат
эканлигини хис қилга-
ним ҳамона менда унга
бўлган хурмат янада
ошгандай бўлди.

Сулола Холиқбердие-
вага Китоб туманинаги 37-

мактабнинг 8-синфида
укиди. Мен Сулолани
шу йил Қарши шаҳрида
утказилган Қашқадарё
вилояти «Табиат ёш их-
лосмандлари»нинг «Та-
биат кеча, бугун, эрта-
га» деб номланган ви-
люят кўрик анжуманида
учратиб қолдим. Сулола
мумтоз бир қўшиқ
куйлаётганди...

У ҳали ёш бўлса-да
ўзбек мумтоз қўшиқла-
рини дилдан ёниб куйла-
шига ҳавасим келди, бу
борада ҳам алоҳида иқ-
тидори борлигига мен-

ІВМ компьтерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буортма — Г-0498.
45.496 нусхада босилди.
Коғоз бичими — А-3.
Босилга тоглиринг вакти 19.00
Тоглирили — 19.45
Нашити Фотом ҚЛЮМХУЖАЕВА

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси,
32-йи.
Нацр курсатчи: № 64563
Телефон:
1-33-44-25
1-36-57-91
1-36-54-210

ТОНГ ЮЛДУЗИ Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҮМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ҲАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умид АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЬАТИ:
Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнара
ЙУЛДОШЕВА, Ҳотам АБДУ-
АИМОВ, Ийқилоб ЮСУПОВА,
Дадаҳон ЕКУБОВ, Илонт
АБДУСОАТОВА, Суннатилла
КУЗИЕВ, Муқаррара МУ-
РОДОВА, Феруз ОДИЛОВА.

«ЕШИҚПОСОДЧИ»

ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР.
Музаффар ПИРМАТОВ,
Равшан ҚАМБАРОВ,
Маҳлиё МИРСОАТОВА,
Гулнара МУҲАМЕДОВА.